Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 29 сентябрь
ШАНБА
№ 222 (5.015).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ҚИЗҒИН ПАЛЛА

Оқолтин районидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалигига қарашли 1-агроучасткасининг К. Норқулов бошлиқ бригадаси пахтакорлари марра томон дадил бормоқдалар. Улар 49 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,7 центнер ўрнига 35 центнердан хирмон кўтаришмоқчи.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор теримчи Мунаввархон Темирова. У ҳар куни 170—180 килограмм пахта термоқда. 2. Тарозибон Алишер Тошназаровнинг қўли қўлига тегмайди.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Муаммо кўндаланг қўйилади

ХОЛИС БАҲОЛАНСИН

Кейинги йилларда ишлаб чиқаришга оилавий пудратнинг кириб келиши, назаримда, хайрли бўлди. Меҳнатни ташкил этишнинг бу усули ҳар жиҳатдан қулай бўлганлиги учун ҳам нафақат пахтачиликда, балки боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик, ғаллачилик — қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Биз ҳам оилавий звено тузиб, пахта етиштираяпмиз. Бултур звеномиз яхши натижага эришди. Белгиланганидан кўп пахта йиғиштириб олдик. Бу йил ҳам 30 гектар майдонда оила аъзоларимиз тер тўкишди. Меҳнатимиз ўз самарасини бермоқда. Далаларимиздаги мўл ҳосил кўзни қувонтирмоқда. Ҳар гектар майдондан белгиланган 26,4 центнер ўрнига 31 центнердан ҳосил йиғиштиришни мўлжаллаяпмиз. Йиғим-терим кун сайин авж олмоқда. Етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш учун бутун имкониятни ишга солаяпмиз.

Кези келганда айтиш керакки, мени бир муаммо ташвишлантирмоқда. Бу — минг машаққат билан етиштирилган хом ашёнинг сифатини ҳалол, одилона белгилаш, яъни деҳқон билан қабул пункти ўртасидаги мавжуд муносабатдир.

Ҳозирча қабул пунктлари ҳамда пахтани қайта ишлаш заводларида деҳқон меҳнати холис баҳоланаётгани йўқ. Яъни пахтани қайта ишлаш заводлари ҳамда уларнинг жойлардаги қабул пунктлари ўз корхоналари манфаатларини кўзлаб, хом ашё сифатини бирмунча пасайтириб кўрсатмоқдалар. Бу аҳвол ҳар йили такрорланмоқда. Бу йил ҳам бизнинг Большевик ва Паст Дарғом районларида мавсум бошиданоқ деҳқонлар билан қайта ишловчилар ўртасида одатдаги тортишув, гина-кудуратлар рўй берди.

Пахта заводлари ва уларнинг жойлардаги қабул пунктлари лабораториялари мавжуд асбоб-ускуналар, умуман хом ашё сифатини аниқлашдаги мавжуд усул деҳқонни мутлақо қониқтирмаяпти. Чунки лабораториялардаги асбоб-ускуналар жуда эски. Устига-устак пахта ҳосилининг қайси сортга мансублигини аниқлаш учун бир соатга яқин вақт керак. Яна лаборантларнинг инструкцияда озгина у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам оғиш мумкин, деган баҳонаси бор. Хуллас, лабораторияларда маҳсулотга холис баҳо берилмаяпти. Бундан эса аксарият ҳолларда деҳқон зарар кўради.

Мавжуд аҳволга қатъий чек қўйиш фурсати етди, деб ҳисоблаймиз. Пахта заводлари ва қабул пунктларидаги сифатни аниқлайдиган асбоб-ускуналарни такомиллаштириш зарур.

Бу ҳозирча амалга оширилиадиган ишлар. Яқин келажакда эса пахтани қайта ишлаш заводлари ва қабул пунктлари хизматидан бутунлай воз кечиб, ҳар бир хўжалик толани ўзида ажратишни йўлга қўйиши ҳақида бош қотириш керак. Америка Қўшма Штатларида фермерлар маҳсулотни даланинг ўзида қайта ишлаб, харидорга тайёр тола таклиф этишаётганини кўп эшитганмиз. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу соҳада дастлабки қадамлар қўйиляпти. Демак, бу соҳадаги ишларни жадаллаштириш керак. Ана шунда менимча, қабул пунктларида толанинг сифатини атайлаб пасайтириб кўрсатишдек ноҳақлик барҳам топади.

Я. МАДАТОВ,
Большевик районидаги Куйбишев номли колхоз оилавий звеноси бошлиғи.

ТЕЗУ СОЗ

Жамоа хўжалигимиз пахтакорларининг эрта баҳордан бошлаб қилган меҳнатлари зое кетмади: дастлабки марра эгалланди. 1.335 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнер ўрнига 32,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Қабул пунктига 4.315 тонна оқ олтин топширилди. Унинг асосий қисми уруғлик пахтадир.

Пешқадамлар тажрибаси шуни кўрсатдики, қаерда агротехника тадбирлари ўз вақтида, сифатли ўтказилса, ўша ерда муваффақиятларга эришилаверади. Йиллик режаларни биринчилар қаторида уддалаган М. Қўлдошев, Ж. Камолов, А. Усмонов, А. Абдуллаев, Б. Салимов, М. Турсунов ва О. Сатторов бошлиқ бригадалардан қиёс.

Бу жамоаларда ер чигит экишдан аввал рисоладагидек текисланди, уруғ тупроқнинг ўз намида ундириб олинди, ғўза оби-тобида парваришланди. Натижада жами майдонда нафақат режани, балки мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Уни йиғиштириб олишга эса пухта тараддуд кўрилди. Тракторлар, уларга тиркаладиган юк аравалари шай қилиб қўйилди. Хирмонжойлар тартибга келтирилди, йўллар ва кўприклар созланди. Теримчилар учун етарли миқдорда этак сотиб олинди. Йиғим-теримнинг биринчи кунидан бошлаб мусобақа намуналари ўюштирилди. Қўлда терилган бир килограмм пахтага жумҳурият ҳукумати қарорига мувофиқ ҳақ тўланди. Ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилди. Буларнинг ҳаммаси колхоз бўйича ҳар кунн 4—5,5 фоиз миқдорида хом ашё топшириш, йиллик маррани 23 иш кунида адо этишни таъминлади. Юқорида номлари тилга олинган бригадаларда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 36—42 центнерни ташкил этди. К. Зарипова, Р. Ҳотамова, Ж. Мелибоева, Ф. Болтабоева, С. Сандҳўжаева каби чеварлар эса 5—7 тоннадан хирмон уйдилар.

Б. ЭРГАШЕВ,
Ленинград районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, СССР халқ депутати.

Р. ҒАФУРОВ,
хўжалик партия комитетининг котиби.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг фармони

1990 ЙИЛНИНГ ТЎРТИНЧИ КВАРТАЛИДА ВА 1991 ЙИЛ ДАВОМИДА ХЎЖАЛИК АЛОҚАЛАРИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ОИД КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

1990 йилнинг тўртинчи кварталида ва 1991 йилда иқтисодиётни ҳамда истеъмол бозорини барқарорлаштириш мақсадида қарор қиламан:

1. Давлат корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари қайси идорага бўйсунишидан ва қайси ҳудудда жойлашганидан қатъий назар, 1990 йилнинг тўртинчи кварталида ва 1991 йилда таркиб топган хўжалик алоқалари сақланиб қолишини ҳамда хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар етказиб бериш тўғрисидаги шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминласинлар. Иттифоқдош жумҳуриятлар, айрим минтақалар ўртасидаги битимлар мамлакат халқ хўжалигида ана шундай алоқаларни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга кўмаклашиши зарур.

Ҳокимият ва бошқарув идораларининг корхоналар ўртасидаги хўжалик алоқаларини издан чиқаришга олиб борувчи хатти-ҳаракатларига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблансин.

2. Истеъмолчи олдида белгиланган масъулиятдан ташқари таркиб топган хўжалик алоқаларига мувофиқ, шартномалар тузишдан бош тортганлик учун маҳсулот етказиб берувчидан ижро этиш учун қабул қилинмаган буюртма нархининг 50 фоизигача миқдорда маҳаллий бюджетга жарима ундириб олинади. Жарима миқдорини давлат ҳакамлиги идоралари белгилайди.

СССР Бош прокурорига ва СССР Халқ назорати комитетига ушбу фармонни бажармайдиган шахсларни амалдаги қонунлар асосида қаттиқ жавобгарликка тортиш таклиф этилсин.

3. Вазият фавқулодда эканлиги туфайли корхоналарнинг раҳбарларигина эмас, шу билан бирга меҳнат жамоалари уюшқоқликни, ишчанликни, бутун жамият олдидаги масъулиятни идоравий тартибсизликка, маҳаллийчиликка ва гуруҳбозлик манфаатларига қарши қўйиб, хўжалик шартномалари тузиш жараёнини бевосита ишчилар назорати остига олишлари зарур, деб ҳисоблансин.

4. Мамлакатда вазият қоят мураккаблиги муносабати билан давлат бошқаруви иттифоқ, жумҳурият ва маҳаллий идоралари бир ой муддат ичида аҳоли эҳтиёжлари учун ниҳоятда зарур бўлган дори-дармон, хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳаётий муҳим корхоналарни қайта тикласинлар.

СССР Министрлар Кенгаши ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг Министрлар Кенгашлари ана шу корхоналар нормал ишлаши учун ва биринчи навбатда уларнинг экологик хавфсизлиги мақсадлари учун уларни материаллар, молиявий ва валюта маблағлари билан таъминлаш юзасидан қатъий чоралар кўрсинлар. 1991 йилнинг тўртинчи кварталида ана шу корхоналарнинг бундан кейин ишлаши масалалари жамоатчилик билан бирга муҳокама қилинсин.

5. СССР Министрлар Кенгаши зарур бўлиб қолган тақдирда темир йўллар, шунингдек мамлакат ҳаёт таъминотининг бошқа умумдавлат системалари ишининг алоҳида режимини жорий этсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 27 сентябрь.

Ҳар фаслнинг ўз зийнати бор деганларидек, кузнинг маназараси чунон тароватли. Гувалак деворлар оша ларзон шохларнинг толиқтирган беҳилар кўзни қамаштиради. Ишкомларда ипдек чизилган ҳусайнилар гўё куз безагндек. Тонг маҳали эса шудрингда жамики борлиқ юзини чаяди... Юраги безовта, ҳазрати деҳқон даласидан кўз узмай унга пешвоз чиқади. Пахтасини ўйлайди.

Пахта... Йиғирма миллионлик халқ дастурхонига тўкинлик, белига қувват бағишлайдиган шу бебаҳо неъматни етиштириш мақсадида у йил-ўн икки ой даладан оёқ узмади: ерини шудгорлади, дармондорига обдон тўйдирди, баҳорда жами майдонни рисоладагидек экишга тайёрлади, қулай муддатда чигит қадади, уруғни тупроқнинг ўз намида ундириб олди, ёз мобайнида эса ҳар туп ғўзани фарзандидек ардоқлаб, оби-тобида парваришлади. Пировардида пайкалларнинг ҳаммасида нафақат режани, балки мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпланди.

ЧАНОҚЛАРДА ҚАЛБ ТАФТИ

Лекин даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб. Шу боисдан безовталик уни тарк этмайди. Зўр меҳнат эвазига етиштирилган хом ашёни ёғин-сочин бошлангунга қадар нест-нобуд қилмай йиғилиштириб олиш, уни фақат юқори навларга сотиш ниятида эртаю кеч тер тўкмоқда. Биз Қува районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги пахтазорларида бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик.

— Бу йил жамоамиз аҳли 1.094 гектар майдонда ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирди, — дейди бошқарув раиси Қурбонали Шарипов. — Ҳар гектар ердан 31 центнердан 3.391 тонна оқ олтин хирмони уюшин мўлжаллаяпмиз. Унинг икки минг тоннаси уруғлик пахтадир. Шунинг учун ҳам қўл теримига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу юмуш билан 907 нафар колхозчи банд. Уларнинг ҳар бири кунига 80—100 килограммдан дурдона тераяпти. Қабул пунктларига режанинг 3—3,5 фоизи миқдорида хом ашё топширилмоқда.

— Теримчиларга қандай миқдорда ҳақ тўланмоқда?

— Жумҳурият ҳукумати белгилаб берганидек, қўлда терилган ҳар килограмм пахтага 25 тийиндан, машинада терилган бўлса ҳар тоннаси учун эса 15 сўмдан тўланмоқда. Тўғри, айрим қўшни хўжаликларда 10 сўмдан белгиланган. Биз эса шунга келишдик. Фақат теримчиларга тозаериш шарти қўйилган. Чала терилган қатор учун икки сўм жарима белгиланган. Бу эса деҳқонга масъулият юклайди. Унга яхши натижагина эмас, сифат ҳам биринчи даражали эканлигини эслатиб туради. Бир сўз билан айтганда, хўжасизликка шу йўл билан барҳам берилмоқда. Кўриб турганингиздек, натижа ёмон эмас. Хўжалик банкасига янги ҳосил ҳисобидан 800 минг сўмдан зиёд пул тушди...

Ҳа, чиндан ҳам хўжаликда мавсум уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Айниқса Шаробиддин Мирзажонов, Қодиржон Собиров, Исмоил Исроилов етакчилик қилаётган бўлимлар иши кишини қувонтиради. Механизаторлардан Убайдулла Ортиқов ва Нўъмонжон Неъматов пахта тераётган пайкалларда ҳали ҳосил мўл.

— Мавсумда 150 тонналиклик хирмон учун курашаяпман, — дейди У. Ортиқов.

— Биринчи машина теримдаёқ 30 центнердан ҳосил олдик.

Ижарачи Тоштемир Расулов қувончига шерик бўламиз. — Мажбурият 31,5 центнердан эди. Иккинчи теримда 1,5 центнердан зиёд пахта чиқишига шубҳа йўқ. Қўлда терилган пахта биз учун 12 минг сўмга тушаркан. Машинада эса бу харажат атиги 400—500 сўмдан ошмаётир. Шунинг учун техникадан унумлироқ фойдаланаяпмиз... Ўтган йили мукофотга гилам олгандик. Бу йил ҳам бўш келиш йўқ...

13-бўлимга етиб борганимизда пахтакорлар тушликка чиққан эканлар. Аъзоларнинг ютуқлари билан қизиқдик.

— 13 кун ичида 583 сўм ишладим, — дейди Зулфия Темирова қувониб. Зиёда Мўйдинова эса бор-йўғи олти кун ичида икки фарзанди билан 345 сўмлик пахта топширганини айтди. Теримчилар билан суҳбатлашаяпмиз-у уларнинг бирортасидан «фалонча пахта тердим» деганларини эшитмадик. Фотимахон Ҳайдарова ҳам 429 сўм ишлаганини айтди. Бугун терилган пахта миқдорини килолар эмас, сўмлар белгилаётганидан қувондик.

— Бу бир неча йиллар давомида орзиқиб кутилган эди, — дейди бригада етакчиси коммунист Замира Нуралиева. — Ниҳоят, заҳматкаш деҳқон меҳнатига жиддий муносабатда бўлинмоқда. Жумҳурият раҳбарияти олиб бораётган ишлардан мамнунмиз. Бригадамда 55 аъзо бор. Илғорларимиздан яна шу ўн беш қунликда 707 сўм ишлаган Мухтасар Мирзаева билан Мунис Дадабоевани тилга олгим келади... Булар биринчи марта ўз меҳнатларига яраша ҳақ олмоқдалар. Лекин қўлига пул теккан деҳқоннинг кам-кўсти йўқ экан-да, дейиш ончалар тўғри эмас. Айрим опа-сингилларимиз ёш болаларидан хавотирдалар. Тўғри, колхозда бир эмас, еттита боғча бор. Улар ишидан мамнунмиз. Бироқ қишлоқ Советига қарашли боғчалар ишидан кўнгил тўлмаётир. Бугун улар фаолиятини бироз ўзгартириш керакка ўхшайди. Шанбаякшанба кунлари ишлашмаётгани биз учун қийинчилик туғдирмоқда. Депутатларимиз, район, қишлоқ Советларининг раислари эса бунга етарлича эътибор бермаётирлар. Хоҳлардикки, ҳеч бўлмаса айни пахта мавсумида боғчалардаги иш вақти бироз узайтирилса, опа-сингилларимиз бехавотир ишлай олсалар.

Чиндан ҳам деҳқоннинг юрагидан меҳнат қилиши учун мазкур муаммолар тезда ҳал этилиши керак. Бу кечиктириб бўлмас масала. Ўйлаймизки, район раҳбарияти, депутатлар бунга жиддий муносабат билдирадилар. Бу жамоада энг юқори кўрсаткичга — 13 кун ичида 999 сўм 86 тийин ишлаган Ҳалима Собирова, 965 сўм олган Маҳбуба Аббарова сингариларнинг яна-да самаралироқ ишлаши учун замин яратишини унутмаслик керак.

— Моддий манфаатдорлик, — дейди раис, — майда ташвишларимизни бартараф этди. Кишиларимиз ҳеч бир буйруқсиз далага отланмоқдалар. Бу эса мустақиллик самараси. Илгари ҳосилга сув қўйишдан тортиб йиғиштириб олгунча «юқори»нинг буйруғини кутардик. Салгина мустақил ҳаракат учун танбеҳ тоши ёғиларди. Шукрки, у кунлар ортда қолди. Хўжалик ишларини ўз аъзоларимиз билан бамаслаҳат ҳал этмоқдамиз. Кишиларимиз ҳам шунга яраша меҳнат қилишмоқда. 19-бригаданинг Ҳайдар Жўраев бўлимидагилар ҳам ана шу мустақиллик туфайли хўжаликда биринчи бўлиб планни дўндирдилар. Раҳматига эса 570 сўмлик гилам мукофотга берилди. Аъзолар ҳам, биз ҳам хурсандмиз. Иккинчи бўлиб маррага етган Расул Тешабоев бўлимига ўн кийимлик атлас берилди. Кўриб турибсизки, натижаларимиз ёмон эмас. Лекин муваффақият ўз-ўзидан бўлмаётганини ҳам таъкидламоқчиман. Сув тақчислиги бизни бироз қийнаётир. Ғўзаларга сув керак пайтда юқорига югурамиз. Вақт тиғиз. Сув эса йўқ. Натижада килолардан барака кетмоқда...

Ҳа, нур борки соя бор, деганларидек, хўжалик муваффақиятлари соясида» нуқсонлар ҳам балқиб турибди. Ғўза чанқоқлиги оқибатини деҳқон яхши билади. Афсуски, бу муаммо калити хўжалик аъзолари қўлида эмас. Район, вилоят раҳбарияти, соҳа мутасаддилари эса бефарқликка эрк бермоқдалар. Деҳқон ҳар бир чаноқдаги милтиллаган оқ тола учун курашаётган бир пайтда бунга йўл қўйиб бўлмайди. Қўшни Тошлоқ районни хўжаликларида эса бу муаммонинг бошқа бир турига йўликдик. Ғўзани баргсизлантириш учун дори сепувчи самолётлар бензин танқислигидан катта-катта дашт бўлимлари ишини пайсалга солмоқда. Деҳқон кўзи йўлда. Район раҳбариятининг қўнғироқлари, елиб-югуришлари учун эса вақт керак. Элимизда «Вақтинг кетди — нақдинг кетди» деган нақл бор.

Хўш, қачонгача деҳқон неъмати нотўғри режалаштириш қурбони бўлади? Бундай муаммолар биргина Фарғонада эмас, балки жумҳуриятнинг бошқа бир қанча хўжаликларида ҳам мавжуд.

Оқолтин мавсумини доғлар безамасин, деҳқон меҳнати қадр топсин, десак, ҳар қандай иллат илдизига тиғ урилмоғи шарт. Ҳар қандай кўримсиз тўсиқ меҳнаткашнинг унумли ишига путур етказади.

Хўжаликдан қайтаяпман-у Н. Шариповнинг: «Ука, биз ҳамма қатори ишлаяпмиз, бунинг нимасини ҳам ёзардингиз», — деган гапларини эслайман... Бу оддийликдан мураккабликка, сўнгра яна оддийликка қайтган кишининг ҳаёт формуласига ўхшайди. Ўн икки минг аҳолига эга бўлган колхоз бугун ана шу йўсинда заҳматкаш элимизнинг улкан пахта хирмонига фидокорона меҳнатидан яралган улушини қўшмоқда.

Омад сизга ёр бўлсин, қувалик пахтакорлар, дегимиз келади.

М. АБДУРАҲМОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЎЗАРО ФОЙДАЛИ АСОСДА

27 сентябрь куни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов таниқли сиёсат арбоблари — ГФР бундестагининг аъзоси, иқтисодий алоқалар комиссиясининг раиси Х. Шварц ва чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш уюшмасининг раҳбари Б. Бишоп (АҚШ) билан учрашди.

Ўзаро манфаатли ошкора суҳбатда Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлиги истиқболлари муҳокама қилинди, амалий шерикчилик йўллари белгиланди.

И. А. Каримов қайта қуриш даврида жумҳуриятда сиёсий ва иқтисодий соҳаларда рўй берган ўзгаришлар ' тўғрисида, жумҳурият Олий Совети қонун йўли билан тасдиқлаган Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида меҳмонларга гапириб берди. Ўзбекистон янги Иттифоқ шартномаси доирасида қолган ҳолда ҳорижий мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилиши айтиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Президенти жумҳурият раҳбарияти амалга ошира бошлаган йўл биринчи галда халқ фаровонлигини юксалтиришга, унинг суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун табиий бойликлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланишга қаратилганлигини таъкидлади.

И. А. Каримов хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида гапирар экан, бундай ҳамкорлик тенг ҳуқуқли шартларда амалга оширилиши зарурлигини айтди. Ҳозир жумҳуриятга малакали кадрлар, илғор технологлар зарур. Ўзбекистон шулар туфайли ўзининг иқтисодий имкониятини тезда мустаҳкамлаши, рақобатбардош маҳсулотлар билан халқаро бозорга чиқиши мумкин.

Х. Шварц билан Б. Бишоп учрашишга ва кенг доирадаги масалаларни муҳокама қилишга розилик берганлигига учун Ўзбекистон ССР Президентига миннатдорчилик билдиридилар. Улар жумҳуриятнинг янгиланаётган Иттифоқ федерациясида фаол иштирок этиш хусусида тутган йўли Ғарбда тушуниб кутиб олинаётганини, бу эса ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очишини айтдилар. Кейинги ўн йиллар давомида жаҳон кўламида мувозанат таркиб топганлиги ва бу бузилмаслиги зарурлиги таъкидланди. Ҳозир Совет Иттифоқида рўй бераётган мураккаб жараёнлар пировард натижада жумҳуриятларнинг бирлашувига олиб келиши лозим.

Меҳмонлар Ўзбекистон бўйлаб сафар чоғида жумҳуриятнинг катта имкониятларга эга эканлигига яққол ишонч ҳосил қилганликларини таъкидладилар. Одамлар билан учрашув, шаҳарларни бориб кўриш уларнинг мустаҳкам амалий ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги фикрини мустаҳкамлади. Жумладан, Х. Шварц Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси Ш. Р. Мирсаидовга ГФР ўлкаларидан бирига боришга таклифнома олиб келди, Б. Бишоп эса АҚШга студентлар айирбошлаш соҳасидаги шартнома лойиҳасини олиб боради.

Учрашувда Ўзаро манфаатли соҳалар анчагина эканлиги тўғрисида гапирилди. Қўшма корхоналар ташкил этиш, туризм, савдо-сотиқ ва хорижда Ўзбекистон ёшларини ўқитиш шулар жумласидандир.

Х. Шварц ва Б. Бишоп билан бўлиб ўтган суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси Ш. Р. Мирсаидов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Ошкора суҳбат

АМАЛИЙ ЧОРА КЎРИШ ПАЙТИ КЕЛДИ

Сариосиё райони вакиллари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Тожикистон ССР Олий Совети раиси Қ. М. МАҲКАМОВ ҳузурида

Яқинда Сариосиё районининг бир гуруҳ вакиллари — Ўзбекистон ССР халқ депутати, «Коммунизм» колхози сигирсоғари З. Ниёзова, Свердлов номли колхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи С. Жобирова, «Ўзбекистон» колхози бошқаруви раиси, вилоят партия комитетининг аъзоси В. Алиматов, уруш ва меҳнат мўйсафидлари Ҳ. Саидов, О. Раҳмонов, алюминий заводи заҳаридан муҳофаза қилиш гуруҳи бошлиғи, «Сариосиё ҳақиқати» газетасининг муҳаррири Н. Шоймардонов, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзоси, Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Тожикистон ССР Олий Советининг раиси Қаҳҳор Маҳкамович Маҳкамов билан учрашиш мақсадида қўшни Тожикистонда бўлдилар. Қ. М. Маҳкамов уларни самимий қабул қилди ва суҳбатлашди.

Қуйида ана шу мулоқот тафсилотини диққатингизга ҳавола этамиз.

Нусрат ШОЙМАРДОНОВ: — Ҳурматли Қаҳҳор Маҳкамович, кўпдан бери алюминий заводи хусусида сиз билан ошкора маслаҳатлашиш орзусида эдик. Аввало қимматли вақтингизни аямай бизни қабул қилганингиз учун ташаккур! Биз сизнинг ҳузурингизга Турсунзода шаҳри атрофида жойлашган алюминий заводи борасида фикр ва мулоҳазаларингизни билиш учун келдик. Гап шундаки, бу корхонанинг заҳарли тутунини Қоратоғ дарёси шабадаси, Ҳисор ва Шодмон тоғларининг шамоли узлуксиз равишда Сариосиё томон (қоларерса Денов, Олтинсой ва Шўрчигача, элтади. У одамларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан бизда болалар ўлими кўпаймоқда. Чала гапириш ҳоллари учрамоқда. Кексалар, аркак ва аёллар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган касалликларга чалинмоқдалар. Чорва моллари нобуд бўлмоқда. Боғ ва токзорлар куз келмасиданоқ барг ташлаяпти. Бу муаммолар ўзингизга ҳам аён бўлса керак. Биз ҳузурингизга чексиз меҳрибонлик кўрсатиб, халқимизни ушбу офатдан халос этгайсиз, маслаҳатларингизни дариғ тутмайсиз, деган умид билан келдик.

Олимларимизнинг илмий тадқиқотлари ҳамда ҳисобларига кўра, агар бу офатнинг олди олинмаса, 30—40 йилдан сўнг Сариосиё районни бегиёҳ чўлу биёбонга айланиши аниқ. Сўнгги 8—10 йил орасида завод қувурларидан чиққан заҳарли тутун асорати бунга далил. Бизнинг районимизда ундан зарар кўрмаган оила йўқ. Шунинг учун ҳам юқори партия, совет ташкилотларига мурожаат қилдик, кейинчалик КПСС Марказий Комитетига ёзишга мажбур бўлдик. Вакилларимиз СССР Вазирлар Кенгашига, СССР Рангли металлургия вазирлигига икки маротаба шикоятнома йўлладилар. Шу асосда қарорлар қабул қилинди, тавсиялар берилди, йўл-йўриқлар кўрсатилди. Амалда эса ҳеч қандай тадбир амалга оширилмади.

Завод маъмурияти СССР Рангли металлургия вазирлигининг нормадан ортиқ заҳарли тутун чиқармаслик бобида берган буйруқ ва кўрсатмасини бажармади. Бажарганида шу йили май, июнь, июль, август ойларида заҳарли моддалар, айниқса фтор-водород доимий тарзда завод қувурларидан нормадан ошиқ тарқалмасди.

Яқинда биз 19 нафар олим имзо чеккан хулоса билан танишдик. Жуда ҳам даҳшатли. У билан танишиб чиққач, районимиз ҳудудидан тезроқ бош олиб кетгимиз келди.

Қадрли Қаҳҳор Маҳкамович, ҳаммадан ёмони шуки, халқ орасида ҳар хил гапсўз кўпаймоқда. Биз қадимдан қондош ва жондош бўлиб келган икки халқ ўртасида низо чиқишини хоҳламаймиз. Лекин сабр-тоқатнинг ҳам чеки бор. Ишқилиб, халқ ўртасидан меҳру оқибат, ўзаро ишонч, иноқлик йўқолмасин. Кўндаланг турган масаланинг ечими кўп жиҳатдан сизга ва бизнинг жумҳуриятимиз Президенти ўртоқ И. А. Каримовга боғлиқ. Зора, сизлар кўрадиган чора-тадбирлар натижасида мазкур завод одамлар ҳаёти учун хавф солмайдиган бошқа хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонага айлантирилса...

Обиджон РАҲМОНОВ: — Қаҳҳор Маҳкамович, менинг 9 нафар неварам бор. Шулардан иккитаси ногирон. Мутахассисларнинг фикрича, бу алюминий заводининг билвосита таъсиридир. Нега энди улар майиб ва мажруҳ бўлишлари керак? Ахир, инсон умид билан дунёга келади-ку! Бизнинг шунча чеккан заҳмат ва ташвишларимиз мевасими бу? Уруш жабҳаларида болаларимиз, невараларимиз алюминий заводидан заҳарланишин деги ҳам тўкканмизми? Ҳозирги кунда Сариосиё райони шифохоналари заъфарма касалликларидан лиқ тўла. Кўпчилик беморлар ўтовларда ётишибди. Кейинги пайтларда ҳаётдан бевақт кўз юмаётганлар сони кўпаймоқда. Текширувчи комиссиялар сон-саноқсиз. Аммо натижадан дарак йўқ. Шу сабабли халқнинг ўзи сайлаб қўйган раҳбарлардан кўнгли совимоқда. Наҳотки инсоннинг қадр-қиммати алюминийча бўлмаса?

Ҳамроқул САИДОВ: — Ҳовлимизда икки туп ўрик дарахти бор. Отамиздан нишона. 4—5 йилдан бери мева тугмайди. Куз бошланмасиданоқ барг ташлайди. Бу ҳолни кўриб юрагимга санчиқ туради. «Отамдан мерос» дея илдизига болта ургим келмайди. Бироқ биз болаларимизга нимани мерос қолдираяпмиз? Алюминий заводи таъсири остида дашту биёбонга айланаётган Сариосиёними? Тишлари тўкилган ногирон невараларними? Қўшнимнинг саккизинчи синфда ўқийдиган кемшик қизини одобсизлик бўлмасин деб бу мулоқотга олиб келмадим. У шу вақтгача «Сариосиё» узумчилик совхозида яшади. (Маълумки, алюминий заводининг заҳарли тутуни ва чанги қолдиқлари асосан шу ҳудудга қўнади).

Ўртоқ Маҳкамов, ушбу заводни лойиҳалаштирган ва қурганларни инсонпарвар деб ўйладими?! Эшитишимча, баъзи раҳбарлар заводга яқин жойлашган қишлоқларни кўчириш хусусида ўзаро маслаҳатлашганга ўхшайди. Хўш, одамларни кўчириш мумкин. Лекин Ҳисор водийсининг жаннатмисол маззаралари, тотли мевалари, тенги йўқ ҳисорий қўйлари, шифобахш сувлари ва бошқа неъматларини қаердан топамиз?!

Муҳтарам Қаҳҳор Маҳкамович, мен сизнинг радио ва телевизор орқали нутқларингизни, чиқишларингизни эшитганман, кўрганман. Тадбирли, инсонпарвар, одил раҳбар эканлигингизни ҳам яхши биламан. Районимизнинг 200 минг кишидан иборат аҳолиси ҳаққи-ҳурмати шу масалада ўзингиз бошқош бўлиб зарур чоралар кўришингизни илтимос қиламан. Бизни бало-қазодан қутқаринг!

Валижон АЛИМАТОВ: — Мен кўп йилдан бери хўжалик раҳбариман. Деҳқоннинг вазифаси инсонларга ризқ-рўз ва насиба улашишдан иборат. Унинг маҳсулоти одамларга маъқул ва манзур бўлса, нур устига аъло нур! Акс ҳолда деҳқонга бундан ортиқ ҳақорат йўқ. Бу бадбахтликдир. Биз шартнома бўйича кўпгина жумҳуриятларга узум, олма, кўкат, сабзавот жўнатамиз. Сўнгги икки-уч йил ичида мижозлар маҳсулотимиз таркибидаги фтор моддасини аниқлаб, қайтариб юборишмоқда ёки жойида йўқ қилишмоқда. Бундан биз фақат моддий эмас, маънавий зарар ҳам кўраяпмиз. Руҳан азият чекяпмиз.

Сиз, Қаҳҳор Маҳкамович, Дашнобод анори таърифини эшитгансиз. Ҳозирги кунда шу мақтовга арзигулик анорнинг харидори йўқ. Буларнинг ҳаммаси заводнинг тўла қувват билан ишлаши туфайли юзага келмоқда. Илгари йўлда тўсатдан йиқилиб қўл-оёғи синган одамлар ҳақида эшитмагандим. Ҳозирги кунда бундайлар сони кўпаймоқда. Мутахассислар буни фтор таъсиридан дейишаяпти. Хуллас, бу офатнинг касофати жуда кўп. Санаб саноғига етолмайсан киши.

Қаҳҳор Маҳкамович, сизни халқимиз чин инсон, меҳрибон партия ва давлат арбоби сифатида яхши танийди. Бу гаплардан мақсадимиз шуки, бизни тўғри тушуниб, масалани ижобий ҳал қилишда яқиндан ёрдам бергайсиз.

Сантой ЖОБИРОВА: — Мен — онаман. Сариосиёлик ота-оналар номидан алюминий заводини зарарсизлантиришда ёрдам беришингизни илтимос қиламан. Қўркак сутини эма олмай ҳалок бўлаётган юзлаб гўдаклар аламига қандай чидаб бўлади, ахир! Биринчи фарзандининг дийдорига тўймасданоқ уни тупроққа бераётган ёш келинчаклар аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Бундай машъум воқеалар тез-тез содир бўлиб турибди.

Зулхумор НИЁЗОВА: — Мен — сигирсоғарман. Говмишнинг сути тилида, дейди халқимиз. Менга қолса сигирнинг сути тишида дердим. Гап шундаки, завод фтори ҳайвонларнинг ҳам тишларини тўкиб юборди. Ҳозир уларга беда берсак, фақат гулини ялай олади, холос. Ахир, чайнаш учун тиш керак-да. Мен халқ депутати бўлиб сайланганимдан кейин одамлардан ҳар хил шикоятларни эшитдим. Биргина Турсунзода районидаги Калинин номли колхоздан уч минг киши имзоси билан шикоят хати олдим. Агар завод бобида митинг бўладиган бўлса, биз ҳам қатнашамиз, дейишибди улар. Лекин сизнинг ёрдамингиз билан бу масалани митингсиз ҳал қила оламиз, деган умидим бор. Бунга куч-қувватимиз етса керак

Н. ШОИМАРДОНОВ: — Яна бир хабарни сизга етказишни ўзимнинг инсоний бурчим деб биламан. Гап шундаки, Қаҳҳор Маҳкамович, ҳозирги пайтда бир гуруҳ олимлар завод билан шартнома тузиб, илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Улар орасида ўзбекистонликлар ҳам бор. Менимча, булар ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишдан кўра кўпроқ пул ишлаб олмоқчилар. Назаримда, «сабаби тирикчилик» бундайларга ҳар нарсадан афзал бўлса керак.

Ҳ. САИДОВ: — Завод директори М. Ф. Синани гапга тўн кийдирадиганлардан. Алҳазар, кўзингизга тик қараб туриб, ёлғон сўзлайди...

Қаҳҳор МАҲКАМОВ: — Алюминий заводи қувурларидан чиқаётган тутунни, хусусан фторни зарарсиз, дейиш мутлақо мумкин эмас. Эсимда: олтмишинчи йиллар (заводи қурилаётган маҳаллар) унинг қурилажак жойи, атроф муҳити тўғрисида турли фикр ва таклиф-мулоҳазалар бўлган эди. Ўшанда мутахассислар фан-техниканинг охирги «сўз»ига амал қилинажагини, атроф муҳитига бу корхонанинг зарари етмаслигини «исботлаб», раҳбарларни ишонтира олгандилар.

Ҳақиқатан ҳам завод замонавий техника ютуқлари асосида чет эл мутахассислари кўмагида қурилди. Унинг биринчи фабрикаси 1977 йили фойдаланишга топширилди. Сўнг биринкетин бошқа фабрикалар ҳам иш бошлади. Лекин заводнинг тутуни одамларнинг соғлиғига зарар етказаётганлиги ҳақида гап-сўз йўқ эди. Ҳеч ким бу ҳақда оғиз очмасди. Кейинги 4—5 йил ичида заводнинг зарарли оқибати тўғрисида Турсунзода райони хўжаликларидан, қардош Ўзбекистон жумҳуриятидан келган шикоятлардан хабардорман. Биз соҳа мутахассислари ва тегишли ташкилотларни текшириш учун сафарбар этдик. СССР Рангли металлургия вазирлигидан керакли мутахассисларни чақирдик. Улардан зарур чора-тадбирлар кўришларини илтимос қилдик. Алюминий заводи раҳбарияти ва унга боғлиқ ташкилотларнинг уқувсизлигини сезганимиздан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан мутахассисларни Тожикистонга даъват этдик. Яқин орада улар жаҳоннинг турли мамлакатларидан керакли асбобу анжомлари билан келишади, ҳақиқатни бизга аниқлаб беришади. Чиқарилган хулосага қараб заводнинг ярмини, агар зарур бўлса, бутунлай ёпамиз. Бунинг учун кўп муддат талаб этилмайди. Шунгача бизнинг қардош қўшнимиз — сариосиёликларга менинг самимий ва алангали саломимни етказишингизни чин дилдан сўрайман.

Сизларга ва сизлар орқали барча сариосиёликларга сиҳат-саломатлик тилайман. Алюминий заводи масаласига келсак, бироз сабр ва бардош қилишларингизни сўрайман...

Ошкора суҳбат чоғида Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. Д. Дадабоев қатнашди.

Суҳбат тафсилотини ёзиб олувчилар: Н. ШОИМАРДОНОВ ва И. ҚОСИМОВ.
(«Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасидан).



ПАХТАЗОР КЎРКИ

Қайта қуриш даврида янгича ишлаш ва иқтисодий муносабатларнинг тобора такомиллашиб бораётганлиги терим машиналарига кенг йўл очишин, пахтачиликни, хусусан ҳосилни йиғиб-териб олишни тўлалигича механизация зиммасига юклашни тақозо қилади. Ҳозирги пайтда пахта майдонларининг асосий қисми ижарачи ва пудратчилар ихтиёрида. Уларнинг деярли барчаси етиштирилган оқ олтинни зангори кемалар ёрдамида териб олишни мўлжаллаётганликлари бежиз эмас. Чунки бунда деҳқон вақтдан ютади, кўпроқ иш ҳақини тежаб қолади.

Оқ олтин мавсуми бошланишидан олдин район механик-ҳайдовчиларининг слёти бўлиб ўтган эди. Унда сўзга чиққан дала чавандозлари мавсумда 150—200 тоннадан пахта териш ташаббусини кўтардилар.

Ҳозирги кунда районда 565 терим машинаси бетўхтов ишлаб турибди. Ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиш юзасидан бошланган мусобақада бошқа хўжаликлар қаторида «Пахтакор» совхозининг фидойи механизаторлари ҳам ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Сифатли баргсизлантирилган майдонлардан териб олинаётган жавоҳир юқори навларга топширилмоқда.

Хўжаликнинг 2-далачилик бўлимидаги илғор бригадага тажрибали пахтакор Муҳиддин Бобоев етакчилик қилади. Жамоа азаматлари жорий йилда 77 гектар майдонда ғўза ўстиришди, улар ҳосилдорликни гектаридан 26 центнерга етказишмоқчи. Давлатга 200 тонна оқ олтин сотишни мўлжаллаб туришибди.

Тенгдошлари ўртасида тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан танилган зангори кема капитани Панжи Аҳмедов эса ўз агрегатида 150 тонна пахта теришни режалаштирган. Ҳосил чўғи баланд. Бу эса мўлжалдаги маррага барвақт етиш имконини беради.

Сиз кўриб турган мана бу суратда (чапдан) хўжалик бош агрономи Шоди Норбобоев, бош муҳандис Равшан Сандов ва механизатор Панжи Аҳмедов терилган пахта сифатини кўздан кечирмоқдалар. Ульянов райони майдонларида бундай манзарани тез-тез учратиш мумкин.

Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Тажрибакор минбари

САРА УРУҒЛИК

Ҳўжалигимиз уруғчиликка ихтисослашган. Жорий йилда «Қирғизистон-3» навли пахта уруғини етиштирдик. Бу нав кейинги икки-уч йилда кўпгина жиҳатлари билан вилоятимиз пахтакорларига маъқул тушди.

Уруғлик ҳосил алоҳида парвариш талаб этади. Чунки меъёрида озиқланиб, сув ичган, мағзи тўқ чигит келгусида мўл ҳосил беради. Районда биринчилар қатори йиғим-теримга киришдик. 580 тонна уруғлик пахта тайёрланиб, бу соҳада белгиланган режа қисқа муддатларда бажарилди. Яна 20 тонна уруғлик пахта тайёрлаб, ялпи кўрсаткични 600 тоннага етказмоқчимиз.

Уруғчилик ҳақида гап кетганда, Зиёдулла Қувондиқов, Очил Жонузоқов, Ҳайитбой Самадов, Эгамқул Орзиқулов каби миришкор бригадирлар номини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Чунки ана шу уста деҳқонлар бошқарган меҳнат жамоаларида мўл ва сифатли уруғлик етиштирилди ҳамда уюшқоқлик билан йиғиштирилди. Гулхан Хонкелдиева, Бегимой Бобомуродова, Шоҳиста Хўжаева, Феруза Самадова, Ойгул оҚдирова каби чеварларимиз баракали меҳнат қилдилар. Уларнинг ҳозиргача терган пахтаси 2—3 тоннадан ошди.

Жамоамизда мавжуд 821 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганмиз. 1.500 тоннасини машиналар ёрдамида йиғиштирмоқчимиз. Шу мақсадда машинада теришга ажратилган майдонларни мавсумга пухта ҳозирладик. Дефолиацияни одатдагидан 8—10 кун олдин бошлаб, уни 5 иш кунида тугалладик.

Бу эса районда биринчи бўлиб машина теримини бошлаш имконини берди. Далаларимизда 9 та терим агрегати юксак унум билан ишламоқда. Машиналар хирмонга барака киритаётир. Ҳар куни йиллик режанинг 5—6 фоизи миқдорида ҳосил тайёрланмоқда.

Йиғим-терим суръатини сира сусайтирмаймиз. Етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, хом ашё сифатига путур етказмай кўнгилдагидек саранжомлаймиз.

А. ШУКРУЛЛАЕВ,
Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхози бошқаруви раиси.

Она-Ватан бўйлаб

САНГТАРОШЛИК

БОКУ. Табиий тошни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш илмий-текшириш ва лойиҳа-конструкторлик бюросининг мутахассислари тош конлари учун юқори самарали сангтарошлик техникасини яратдилар. Бу ерда сўнгги авлод сангтарошлик машинасининг қоралама чизмалари тайёрланди. Хусусан, у тошнинг қай даражада қаттиқлигига қараб, кесувчи дастгоҳлар иши тартибини ўзи ўзгартириб туради. Гидравликадан кенг фойдаланиш машинист меҳнатини анча енгиллаштиради.

ЯНГИ ЗАВОД

ФРУНЗЕ. Қирғизистон жанубидаги Жалолобод шаҳрида ишга туширилган янги завод ҳар йили юз минг тоннадан кўпроқ тақчил цемент ишлаб чиқаради. Табиатни корхонанинг зарарли таъсиридан муҳофаза этиш учун бу ерда саноат чиқиндиларининг деярли 99 фоизини тозалашга қодир бўлган кучли электр фильтрлар ўрнатилган.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ САМАРАСИ

СИМФЕРОПОЛЬ. Маҳаллий «Сизакор» бирлашмаси ишлаб чиқара бошлаган тежамли суғориш системаси Қрим боғ ва узумзорларида томчилатиб суғориш усулини тиклашда ёрдам бермоқда. Бундай усул қўлланилганда сув сарфи қариб уч баравар камаяди, боғлар ҳосилдорлиги учдан бир баравар кўпаяди. Хўжаликлар буюртмасига мувофиқ ҳозирдаёқ 1,5 минг гектар майдонда шундай системалар ўрнатилди. Завод тўла қувват билан ишлай бошлагандан кейин у йилига 16—17 минг гектар ерни суғориб берадиган шундай ускуна ишлаб чиқаради.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

БРЕСТ. «Красное знамя» совхози ишчилари колбасани эндиликда шаҳарга олиб бормоқдалар Илгари бунинг акси эди. Хўжалик теплицада сабзавот етиштиришга ихтисослашмоқда. Бунинг натижасида анчагина фойда олинмоқда. Шунинг эвазига ускуналар сотиб олинди ва гўштни қайта ишлаш цехи қурилди. Цехда беш хилдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Совхознинг ўз чорвачилик фермаси ҳом ашё етказиб бермоқда. Чўчқа гўшти эса аҳолидан сотиб олинаяпти. Цехда ҳар йили ўнлаб тонна маҳсулот чиқарилади. Бу маҳсулот совхоз ишчилари учун ҳам, қўшни шаҳарликлар учун ҳам бемалол етади.

САБЗАВОТ ЯХШИ САҚЛАНАДИ

ТАРБАГАТАЙ. (Бурятия АССР). Ана шу район марказида катта сабзавот омбори ишга туширилди. Эндиликда колхоз бозорининг тегишли бўлими баҳоргача кузги картошка, карам билан савдо қилиши мумкин. Ленин номли ва «Маяк» колхозларида ҳам шундай омборлар қурилди. Ҳозирча Бурятияда маҳсулот сақлаш базаси 35 фоиз таъминланди, холос. Қуриб битказилган омборлар жумҳуриятда сабзавотга бўлган эҳтиёжни таъминлашга қаратилган дастурни бажаришдаги дастлабки қадамлардир.

ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛДИ

ТБИЛИСИ. Унча катта бўлмаган Амболаури шаҳри Грузиянинг тоғли жойларида табиий газ келтирилган дастлабки аҳоли пункти бўлди. Газ шу ердан ер ости қувурлари орқали қишлоқларга юборилади. Бу ўлка илгари винобоп узумлари, сабзавотлари ва ажойиб халқ ҳунармандчилиги буюмлари билан машҳур эди. Социологларнинг айтишларича, қишлоқларни газлаштириш тоғликларнинг жонажон ерларига қайтиб келишларига имкон беради.

РОССИЯНИНГ ҚИТОБ БОЙЛИГИ

ОМСК. КПСС вилоят партия комитети ижтимоий-сиёсий марказида очилган «Россия китоблари» кўргазмасида Россия Федерациясининг олтмишта китоб нашриёти қатнашмоқда. Экспозициядан икки мингдан кўпроқ номдаги болалар, бадиий, ижтимоий-сиёсий, ўқув-педагогика адабиётлари ўрин олган. Улар мазкур жумҳуриятда кўпчиликни ташкил этувчи рус, мордова, татар, балкар ва бошқа халқларнинг тилларида нашр этилган. Бу ерда совға буюмлари, китоблар ва тасвирий санъатга доир альбомлар савдоси ҳам ташкил этилган. Кўргазма кимошди китоб савдоси билан якунланади.

(ТАСС).

ФАРМОНГА ШАРҲ

Ўзбекистон ССР Президентининг эълон қилинган фармони маиший хизматни бошқаришни қайта қуришга, маиший хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш, жумҳурият аҳолисига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш мақсадида тармоқда мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга қаратилган.

Таркиб топган маиший хизмат кўрсатиш даражаси аҳолининг талабларига, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ижтимоий қайта қуриш ва халқ фаровонлигини ошириш юзасидан белгилаб берган мақсадлар ва вазифаларга мос келмайди. Хизмат кўрсатиш маданиятининг ғоят паст даражада эканлиги, хизмат турлари, иш сифати, буюртмаларни бажариш муддатларининг чекланганлиги ҳаққоний шикоятларга сабаб бўлмоқда.

Жумҳурият аҳолисининг ҳар бирига йилига ўрта ҳисобда атиги 37 сўмлик маиший хизмат кўрсатилаётганлигига, бу эса умуман мамлакатдагига қараганда 1,5 баравар кам эканлигига тоқат қилиб бўлмайди. Қишлоқ жойларда аҳвол бундан ҳам ёмонроқдир. Жумҳуриятнинг 240 тадан ортиқ аҳоли пункти маиший хизмат муассасаларига эга эмас.

Тармоқни бошқаришнинг мавжуд структураси, маиший хизмат корхоналарининг ҳаддан ташқари давлатлаштирилганлиги, министрлик ҳукмронликка эга бўлганлиги ва идоравий тазйиқ ўтказиши, меҳнат унумдорлигини, хўжалик ташаббуси ва омилкорликни иқтисодий рағбатлантиришнинг самарали воситаси йўқлиги хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари техника билан яхши жиҳозланмаган. Давлат ва кооператив корхоналар, якка тартибдаги меҳнат билан шуғулланаётган кишилар фаолияти зарур даражада мувофиқлаштирилишига эришилмаган.

Шундай шароитда тегишли бозор иқтисодиётини бошқариш структураларини шакллантиришга муҳим аҳамият бериб, Ўзбекистон ССР Маиший хизмат кўрсатиш министрлигини аҳолига Маиший хизмат кўрсатувчи жумҳурият давлат-кооператив марказига айлантириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ушбу марказ фаолияти жумҳурият корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-дўғри шартномалар тузиш йўли орқали хўжалик ҳисоби қоидалари асосида амалга оширилади.

Марказга тармоқни бозор муносабатларига тайёрлаш ва ўтказишга, маиший хизмат корхоналарини хусусий корхоналарга айлантиришга, яъни тармоқни ижарага, фуқароларнинг хусусий мулки қилиб бериш, тижорат корхонлари ва кооперативлари ташкил этишга доир барча ишларни амалга ошириш топширилади.

Марказга жумҳуриятда маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш концепцияси ва дастурларини ишлаб чиқиш, ўзгаришларни ҳамда хизматларнинг хилма-хил турларига талабни ўрганиш, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, тармоқ барча корхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириш, кадрлар тайёрлаш, маиший хизмат корхоналарини техника, асбоб-ускуналар ва моддий-хом ашё ресурслари билан таъминлашда кўмаклашиш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишларини ўтказиш, жумҳуриятлараро ва ташқи иқтисодий алоқаларда воситачилик қилиш вазифалари юклатилади.

Маиший хизмат соҳасини бошқаришни қайта қуриш жойларда, айниқса қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатишнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун халқ депутатлари маҳаллий Советларининг аҳамияти ва масъулиятини анча оширади. Вилоят ижроия комитетларига маиший хизмат кўрсатиш вилоят бошқармалари негизида уюшмалар ташкил этиш, бунда бу ишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигига ва меҳнат жамоаларининг манфаатларига амал қилиш тавсия этилди,

Ана шу тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши корхоналарнинг хўжалик мустақиллигини кучайтириш учун ташкилий заминларни вужудга келтиради, меҳнат жамоаларини, ҳар бир ходимни маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини кенгайтирийлар ва унинг турларини кўпайтиришдан иқтисодий манфаатдор қилади, маиший хизматни аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига мослаштиради.

КЕНГАШ ПЛЕНУМИ

27 сентябрь куни Тошкентда уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият кенгашининг пленуми бўлди. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг «Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 45 йиллигини байрам қилиш муносабати билан Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги фармонни бажаришда ветеранлар ташкилотларининг иштироки билан боғлиқ масалалар, шунингдек ветеранлар ташкилотининг бундан кейинги вазифалари кўриб чиқилди.

Пленумда жойлардаги кўпгина совет идоралари ва жамоат ташкилотлари, вазирликлар ҳамда идоралар фармонни бажариш юзасидан иш олиб борганликларини айтилди. Юзлаб ногиронлар, уруш қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслар ва ҳарбий хизматчиларнинг оилалари янги уйлар олишди. Ветеранларнинг бу тоифасини 1 июлдан бошлаб уй ҳақи тўлашдан озод қилиш ва коммунал хизмат учун тўланадиган ҳақ миқдорини қисқартириш масалалари ҳал этилди. Ветеранларга хизмат кўрсатадиган дўконлар тармоғи кенгаймоқда. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига улар ҳозир ишлаб турган давлат ва идора уйлари шахсий мулк сифатида топшириб бошланди. Уруш ветеранлари учун мўлжалланган санаторийлар, пансионатлар, касалхоналарда уларни овқатлантириш, турмуш шароитларини яхшилаш, дори-дармонлар билан таъминлаш яхшиланмоқда.

Жумҳурият Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон ССР Президенти фармонини бажариш билан боғлиқ қарорига асосан Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари учун жумҳурият вилоятларида ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида тақсимлаш шарти билан енгил автомобиллар ажратилди. Уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари яшайдиган уйларга телефон ўрнатиш юзасидан янада жадал иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, деб таъкидланди пленумда, уруш ва меҳнат ветеранларининг кўпгина вилоят, шаҳар, ноҳия кенгашлари, бошланғич ветеранлар ташкилотлари Ўзбекистон ССР Президенти фармонини амалда рўёбга чиқариш юзасидан кўрилаётган тадбирларда етарли даражада фаол иштирок этмаяптилар. Ҳамма ерда ҳам ветеранларнинг турмуш шароити синчиклаб текширилмаган. Баъзи вазирликлар ва идоралар ҳам Президент фармонида кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда сусткашлик қилмоқдалар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум қатнашчилари барча меҳнат жамоалари кенгашларига, корхоналарнинг жамоат ташкилотларига, Ўзбекистон ССРдаги колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига мурожаатнома қабул қилиб, уларни уруш ва меҳнат ветеранларига кўпроқ ғамхўрлик қилиш ва эътибор беришга, уларнинг ижтимоий-маиший турмуш шароитини яхшилашга чақирдилар.

(ЎзТАГ).

ТАЖРИБА

Қишлоқ ҳақиқати → **ЎРГАН, ҚЎЛЛАН, КЕНГ ЁЙ!**

„ПИСКЕНТ“ НАМУНАСИ

Тошкент вилоятидаги «Пискент» совхози директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати Бектой УСМОНОВ деҳқончиликни жадал ривожлантириш, хўжалик юритишнинг янги усулларини жорий этиш ва инсонга ғамхўрликни кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳикоя қилади.

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Совхозимиз — Тошкент вилоятидаги иқтисодий жиҳатдан бақувват, йирик хўжалик. Унинг ҳудуди 8.690 гектарни ишғол этади, шундан 5.602 гектари ҳайдаладиган майдонлар. Совхознинг техникавий куч-қудрати ва иқтисодиёти йил сайин мустаҳкамланмоқда. Ўнлаб ҳайдов ва бошқа хил тракторлар, пахта териш машиналари, ғалла ўриш комбайнлари, ер текислаш механизмлари, бошқа техника воситалари бор. Чорвачилик комплексида 2 минг бош қорамол, шу жумладан, 800 бош соғин сигир, 2.000 қўй-эчки, 6.000 бош парранда мавжуд.

Пахтачилик — етакчи соҳа. Илгари қарийб 3,5 минг гектар ерда ғўза ўстириларди. Пахта яккаҳокимлигига чек қўйилгач, бизда ҳам бу майдонлар тобора камайтирилмоқда. Натижада алмашлаб экишни тўлиқроқ жорий этиш, тупроқ унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини янада ошириш имкони туғилди. Жорий йилда бу усул 100 фоиз ўзлаштирилди. Айни пайтда чигит қадалган ерлар 3.201 гектарни (жами экин майдонига нисбатан 68 фоизни), беда 764 гектарни (17 фоизни), дон учун маккажўхори 353 гектарни (7 фоизни), сабзавот ва бошқа озуқа экинлари 388 гектарни (8 фоизни) ташкил этади. Бизнингча, пахта етиштирилаётган майдонлар ҳозир ҳам бирмунча кўп. Уни 55—60 фоизга туширгандан кейингина алмашлаб экишни қатъий йўлга қўйиб, бошқа экинлар пайкалларини кенгайтириш мумкин.

Кейинги йилларда илгари сурилаётган аграр сиёсат қишлоқ хўжалигида тўб бурилиш ясамоқда. Илғор иш усуллари дадил жорий этилмоқда. Булар ерга, деҳқон меҳнатига муносабатда катта ўзгаришлар ясаяпти. Жумҳурият раҳбарияти тутаётган йўл барчамизни қувонтираяпти. Аҳолига томорқа бериш, ерни ҳақиқий соҳиби — ҳазрати деҳқон қўлига топшириш, шахсий хўжаликлар чорвасини ривожлантириш ва бошқа соҳаларда катта имкониятлар очилди.

Суғориладиган ер — бебаҳо бойлик. Афсуски, турғунлик йилларида унга ноинсофларча муносабатда бўлинди, ялпи ҳосил ортидан қувилиб, ернинг тинка-мадори қуриди. Минерал ўғитларни, заҳарли кимёвий дориларни, фалокат келтирувчи бутифосни меъёридан ортиқ ишлатиш оқибатида микроорганизмлар нобуд бўлди. Тупроқда гумус — чиринди миқдори камайиб кетганлиги ҳақида бежиз ташвишга тушиб қолмадик. Заминни даволаш деҳқоннинг қўлида. Унга меҳр билан муносабатда бўлиш керак.

Хўжалигимиз ишчилари буни яхши биладилар. Шу боисдан меҳнат ютуқларимиз кўпаймоқда. Илғор усуллар, фан-техника янгиликлари самарали қўлланилаяпти. Бир мисол: Беруний номли Тошкент политехника институти доценти М. К. Прокофьев раҳбарлигидаги олимлар 1988 йилдан бери илмий ҳамкорлик қилмоқдалар. Улар экиш олдидан уруғлик чигитга кавитацион ишлов бериш қурилмаси — УКОСни маҳаллий шароитимизда синаб кўришди. Ундан фойдаланилганда: экиш мавсумида оғир қўл меҳнати 90 фоиз қисқаради, заҳарли кимёвий воситалардан кишилар соғлиғига етадиган зарар бартараф этилади; ҳар гектар ҳосилга 30—50 килограмм уруғлик тежалади; чигит одатдагига қараганда 3—5 кун олдин, 100 фоиз униб чиқади; сув 30 фоиз иқтисод қилинади; гектар ҳосилдорлик 2 центнерга ортади; пахтанинг юқори навли миқдори терим пайтида 15 фоиз кўпаяди; тупроқнинг заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши кескин камаяди; экиш мавсуми 5—7 кунга қисқаради ва ҳоказо.

Дуккакли экинлар ва сабзавотчиликда ҳам янги қурилмани қўлланиш билан ана шундай самарадорликка эришиш мумкин.

Тадбиркорлик, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш ўз самарасини бермоқда. Картошка, сабзавот, полиз, мева, узум, пилла, жун тайёрлаш беш йиллик режалари муваффақиятли адо этилди. Кўпгина соҳалар бўйича жорий йил топшириқлари ҳам уддаланди.

Хўжалигимизда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усуллари, пировард маҳсулот — пахта толаси билан ҳисоб-китоб қилиш, аҳолини томорқа ва турар-жой билан таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида қатор ибратли ишлар қилинди. Қуйида шуларга тўхталмоқчиман.

ПУДРАТ САМАРАСИ

Кейинги йилларда меҳнатни ташкил этишнинг, хўжалик юритишнинг илғор шакллари ҳақида кўп гапирилмоқда. Совхозимизда жамоа пудрати афзалликларига барча ишонди. Лекин бошқа жойларда ўзгача фикрларни ҳам эшитишга тўғри келмоқда. Баъзилар бу замонавий усулни ўткинчи нарса деб, яна бировлар эса аксинча, қишлоқ хўжалигидаги барча қийинчиликлардан қутулиш воситаси деб билмоқдалар. Айримлар унга ишонмасалар ҳам консервативлар қаторига ўтиб қолмаслик учун уни расман жорий этиш билан чекланишаяпти. Бу эса ижобий натижа бермай, яхши ғояни обрўсизлантирмоқда. Шундай тоифадагилар ҳам борки, улар янгилик дарҳол ҳамма кўрсаткичларни оширади, деб тушунадилар. Аммо самара тезда бўлавермагач, ундан совиб қолишаяпти.

Неча ўн йиллар давомида қўлланилиб, таомилга айланган меҳнатга ишбай ёки вақтбай ҳақ тўлаш одамларни бевосита ўз меҳнатларининг пировард натижасидан қандай манфаат кўришларига бўлган қизиқишларини деярли сўндириб юборди. Шу боисдан қайта тарбиялаш, онгли ва сифатли ишлашга ўтиш жараёни биз истаганчалик тез рўй бермаётир.

Пудратчилар самарали ишлашлари учун меҳнатни янгича ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг тартиб-қоидаларини чуқур билиш зарур. Жамоа пудрати ишлаб чиқаришни уюштиришнинг ва бошқаришнинг илгаригига нисбатан мукаммалроқ ҳамда илғор шакли бўлиб, ҳар бир ходим ва меҳнат жамоасининг маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан, мавжуд ресурслардан фойдаланишни яхшилашдан манфаатдорлигини ҳар томонлама оширади.

Жамоа пудратини жорий этишдаги тажрибамиз нималардан иборат? 1986 йилда жиддий тайёргарликдан сўнг барча ишлаб чиқариш бўлинмаларини янгича ишлашга ўтказиш, уларга шартли ялпи даромад миқдорига қараб ҳақ тўлашга қарор қилинди. Бунгача 1985 йилда саккизта, 1986 йилда 24 та, 1987 йилдан барча бригадалар шу усулда иш юритишганди. Жорий йилда эса 70 та бригада ва 18 та звенода жамоа пудрати, 25 тасида оила пудрати қўлланилди.

Маъмурият билан пудрат жамоалари ўртасида ўзаро шартнома тузилиб, унда томонларнинг мажбуриятлари ва моддий жавобгарликлари кўзда тутилади. У уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш топшириғи, сарфланадиган жами пул миқдори, тайёрланган маҳсулотнинг харид нархи белгиланган. Иккинчи қисмда томонларнинг мажбуриятлари кўрсатилади. Шартнома тузган жамоа зиммасига барча юмушларни ўз кучи ва воситалари ёрдамида амалдаги тартибларга мувофиқ ҳолда бажариш, техникага шикаст етказмаслик, маълум вақтда бажарилган ишлар тўғрисида ҳисоб-китоб олиб бориш ва шу кабилар юкланади. Маъмурият эса жамоани кўзда тутилган топшириқни ado этиш учун зарур моддий-материал-техника воситалари, ер, бино ва ҳоказолар билан таъминлаш, шунингдек, бригада ёки звено аъзолари меҳнати эвазига пировард натижага қараб ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Учинчи қисмда тузилган ўзаро шартнома бузилган тақдирда томонларнинг мулкий жавобгарлиги белгилаб қўйилди.

Маъмурият жамоа розилигисиз унинг одамларини ва техникасини бошқа юмушларга жалб этишга ҳақли эмас. Шу билан бирга, агар белгиланган топшириқни хавф остида қолдирувчи бирон-бир тадбир вақтида бажарилмай қолса, маъмуриятнинг шу қолоқ звено ёки бригадага четдан қўшимча ишчи кучи жалб қилишга ва ҳалиги ишни адо эттиришга ҳуқуқи бор.

Меҳнатга бир йўла мукофот тариқасида ҳақ тўлаш аккорд жамғармасига ялпи даромаддан ажратмаларнинг қатъий фоизи нормасида ассланади. Бу сўнгги 3—5 йилнинг ўртача йиллик маълумотларига мувофиқ белгиланади. Асосий маош, иш ҳақи, моддий рағбатлантириш жамғармасидан қўшимча тўлов ва мукофотларнинг барча турлари иш ҳақи жамғармасига киритилади. Йил охирида меҳнатга тўланадиган аккорд жамғармасининг мукофот қисми жамоа аъзолари ўртасида аванс пулига ўхшаб тақсимланади. Яъни бунда ҳар бир ишчи умум меҳнатининг пировард натижасига қўшган ҳисса эътиборга олинади. Меҳнатга тўланадиган ҳақ ялпи даромад миқдорига, моддий рағбатлантириш тайёрланган маҳсулот миқдори ва сифати билан бирга уни етиштириш учун кетган харажатларга ҳам боғлиқ қилиб қўйилди. Шу боисдан бригада аъзолари меҳнатига жамики даромад ҳисобидан ҳақ тўлаш айниқса беҳуда чиқимлар олдини олди. Хўжалик ҳисоби асосида иш юритилгани туфайли бу жамоаларни юқори натижаларга эришишга ундади.

Буларнинг ҳаммаси пировардида совхоз иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. 1988 йилда 1 миллион 846 минг, бултур 2 миллион 736 минг сўм фойда олинди. Меҳнаткашлар манфаатдорлиги ҳам тобора ошиб бормоқда. Ўтган йили ишчиларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 196, сигирсоғарларнинг 244, молбоқарларнинг 256, механизаторларнинг 282, шу ҳисобдан пахта етиштиришда қатнашганларининг 347 сўмга етди. Зоид Исаев бошлиқ 2, Жонузоқ Ҳожиев бошлиқ 6-бўлимлар, Халил Иброҳимов, Ноёб Умаров, Турсунбой Турғунбоев, Бойзоқ Ҳожиев, Агабек Тўқсонбоев етакчилигидаги бригадалар аъзолари янада яхши даромад қилдилар.

Ўтган йилдан хўжалик ҳисобининг учинчи шакли — ижара жорий этилди. Манноп Жабборов ва Абдулла Раҳимов бошлиқ жамоалар хўжалик маъмурияти билан беш йил муддатга шартнома тузишган. 1989 йилда улар ҳам мажбуриятни ошириб уддалашди.

Янгича иш юритилган 1989 йилда барча пудратчи жамоалар маҳсулот етиштириш ва иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқларни муваффақиятли уддалашди. Илғор усул меҳнаткашлар томонидан кенг қўллаб-қувватланибгина қолмай, балки қолоқликларни бартараф этиш, янги марраларга чиқиш омили эканлиги аён бўлди. Муҳими, меҳнат бўлинмаларида маънавий-руҳий вазият яхшиланди, одамларда юксак пировард натижага эришишдан катта манфаатдорлик ҳисси уйғонди, ўзаро талабчанлик ва ҳамжиҳатлик ошди.

АЪЛО ТОЛА

Пудратни жорий қилиш, ҳақ тўлашни ва иш юритишни такомиллаштириш янги вазифаларни келтириб чиқарди. Бу даставвал меҳнатнинг охирги натижаси билан боғлиқ эди. Маълумки, илгари ота-боболаримиз пировард маҳсулот етиштиришган, яъни хом ашё эмас, балки тола сотишган. Лекин пахта тайёрлаш ҳажми ортиб, деҳқон меҳнати кўпайганлиги боисми, бу тартиб ўзгарган. Пахтакор ҳосилни етиштириш ва йиғиштириб олиш тўғрисида қайғурадиган бўлган. Уни заводга топширгач, ишим битди деб ҳисоблаган. Қолган юмушлар — оқ олтинни қайта ишлаш, тўқимачига жўнатишни тозаловчилар зиммага олишган. Пировард маҳсулотлар: тола, уруғлик, линт, чигит ва бошқаларни сотишдан улар қўшимча даромадга эга бўлишган. Ҳолбуки бу деҳқонга тегиши керак эди.

Бизнинг совхоз ҳам пахтасини Пискент пахта тозалаш заводига топширган. Йиғим-теримнинг қизғин кезларида унинг дарвозаси олдида хом ашё ортилган тележкалар навбат кутиб қоларди. Ҳосилни топшириб қутилсак майли эди, бироқ завод билан машмаша давом этарди: пахтамиз қайта ишланиши узоққа чўзилар, оқ олтин кўп туриб қолганидан толаси бузилиб ортиқча харажат талаб қилар, тозаловчилар билан ўртамизда тез-тез тортишувлар бўларди.

Йиллар давомида ҳукм сурган бу тартиб бора-бора таомилга айланган. Биз уни ўзгартириб, аввалги ҳолига қайтармоқчи бўлдик. 1987 йилда жумҳурият Агросаноат давлат комитети (ҳозирги Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети)нинг буйруғига асосан совхозимиз якуний кўрсаткич, яъни пахта толаси бўйича ҳисоб-китоб олиб борувчи тажриба хўжалигига айлантирилди. Оқтепа қабул пункти 962,2 минг сўмлик асосий жиҳозлари билан пахта заводи балансидан бизга ўтказилди. Ишчи ўринлари тўла сақлаб қолинди, йил охиригача ишчиларга белгиланган маош жамғармаси ҳам совхоз ҳисобига ўтди. Пункт ишчи-хизматчиларининг ойлик иш ҳақи хўжалик ишчиларининкидан кам эди, у тенглаштирилди.

Совхозимиз 1987—1990 йилларда асосан С—4880 нав чигит экиши, бундан ўртача 30,4 фоиз пахта толаси олиниши белгиланди. Хўжалик ва тайёрловчилар ўртасидаги муносабат асоси тўғридан-тўғри тола учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ эди. Тайёрлаган пахтамизни қайта ишлаб бериш юзасидан завод билан шартнома туздик. 1987 йил кузида Оқтепа пунктида деҳқонларимиз етиштирган 10.609 тонна ҳосилни ўзимиз қабул қилдик, сўнгра уни заводга ўз техникамизда ташидик.

Илгари завод хом ашё учун унинг навига ва сортига қараб совхозга пул тўларди. Юқорида айтганимдек, хўжаликлар пахтасини корхона дарвозасидан киргизиб, тарозидан ўтказгач, кейин нима бўлиши, қандай тола чиқиши билан қизиқмасди. Тола чиқишидан ва жўнатишдан фойда ҳам, зарар ҳам завод ҳиссасига тушарди. Тажриба шароитида ундай эмас. Етиштирилган ҳосилни сақлашга, ундан чиққан тола сифатига совхоз жавоб беради. Энди бурун пахта заводи юритган ҳисоб-китоб ишларини, ҳужжатларни расмийлаштиришни, ташкилотлар билан олди-бердини, турли қўшимчаларни бизнинг ҳисобчилар бажаришади.

Тажриба ўтказиш шартига кўра пахтани қайта ишлашдан чиқадиган маҳсулотлар: тола, чигит, линт ва бошқаларни завод реализация қилиб бериши керак. Чунки вилоят бошқармасидан топшириқ белгиланганда бизнинг маҳсулот унинг ҳисобига қўшилади.

Хўш, 1987 йил якуни қандай бўлди? Унинг ҳосилини қайта ишлаш ўша йилнинг сентябридан 1988 йил июнигача давом этди. Тайёрланган 10.609 тонна хом ашёдан 3.301 тонна тола олинди. Тола чиқиши 31,70 фоизни ташкил қилди. Жами тола миқдори кўзда тутилганидан 83 тонна, тола чиқиши эса 1,3 фоиз кўп бўлди. Ҳар тонна толани 2.334 сўмдан сотдик. Заводга пахтамизни қайта ишлаб бергани эвазига бир тонна тола ҳисобига 148 сўмдан, жами 604 минг сўм ўтказилди. Хуллас, агар 1986 йил пахтасидан жами 8 миллион 159 минг сўм даромад, шу ҳисобдан 2 миллион 502 минг сўм фойда олган бўлсак. 1987 йилда 8 миллион 351 минг сўм даромад, шу ҳисобдан 2 миллион 609 минг сўм кирим қилдик. Кейинги йили гарчи хом ашё тайёрлаш топшириғи бажарилмаган бўлса-да, тола чиқиши ошганлиги эвазига фойда кўпайди. Тажриба совхоз ҳамёнига 453,6 минг сўм қўшимча келтирди.

Ҳосилни қабул қилиш бригада ва бўлимлар бўйича йўлга қўйилди. Келтирилган ҳар бир арава пахта лабораторияда текшириб кўрилди. Натижада деҳқонларнинг жавобгарлиги ва масъулияти ошди. Ким қандай меҳнат қилгани, пахтасининг сифати ва тола чиқиши осонгина аниқланди.

1988 йилда ғўза парвариши, йиғим-терим даврларида ўзини ўзи назорат қилиш кучайди. Терилган пахта пунктга жўнатилишдан аввал яхшилаб қуритилди. Бир йилдаёқ меҳнат интизоми мустаҳкамланганлиги, бригадалар аъзоларининг, оқ олтин етиштиришда қатнашувчи жамики ишчи ва мутахассисларнинг уюшқоқлиги ҳамда ишга масъулияти ошганлиги яққол кўзга ташланди. Иш ҳақи ҳосил сифатига чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳар бир деҳқон тушунди. Шу боисдан пунктга ифлос, ҳўл пахта келтириш ҳоллари мутлақо учрамади.

Ўша йили хом ашёни қайта ишлашни ҳам ўз зиммамизга олдик. Умумий ва иқтисодий кўрсаткичлар қуйидагича бўлди: жами 10.784 тонна пахта тайёрланиб, ундан 3.413 тонна тола олинди. Тола чиқиши 31,82 фоизни ташкил этди. Шартномага қўшимча 150 тонна тола ишлаб чиқарилди. Ҳар тонна толани 2.386 сўмдан сотдик. Совхоз пахтачиликдан 8 миллион 799 минг сўм даромад кўрди. Тола билан ҳисоб-китоб қилишдан 621 минг сўм қўшимча олдик.

Бултур ҳам қувонарли ютуқларга эришилди. Тола миқдори белгиланганидан 243 тонна зиёд, жами 3.249 тонна, тола чиқиши 32,9 фоиз бўлди. Ҳар тонна толани 2.610 сўмдан сотдик. Пахтачиликдан келган ялпи даромад 9 миллион 90 минг сўмни, кирим 2 миллион 736 минг сўмни, тола сотишдан тушган фойда эса 1 миллион 16 минг сўмни ташкил этди. Тола сифати яхшилангани, пахтани етиштиришга кам харажат сарфлангани, хом ашё эҳтиёткорлик билан сақлангани туфайли бир йилда рентабеллик 10,2 фоиз ортиб, 42 фоизга кўтарилди.

Кўриниб турибдики, тола билан ҳисоб-китоб қилиш совхозга ва деҳқонларга манфаатли, кўпроқ фойда олишга имкон бераяпти. Бошқа хўжаликлар ҳар тонна хом ашёни 600—700 сўмдан сотишаётган бўлса, биз бир тонна толадан сотигга қараб 2.340—3.400 сўм даромад қилаяпмиз.

Лекин ижарачилик йўли билан хом ашёни қайта ишлаш эндиликда бизни қониқтирмай қўйди. Чунки бу шароитда завод фойдага шерик. Шунинг учун ўз корхонамиз бўлишини, тўқимачилик ва саноат корхоналари билан мустақил савдо-сотиқ қилишни хоҳлаймиз. Оқтепа пунктини ўзимизники қилиб олдик. У қайта жиҳозланса, завод даражасига етади, шунда пахтакорларимиз тугалланган жараёнга эга бўладилар.

Шубҳасиз, бу совхоз ишлаб чиқаришида янги имкониятлар очади. Ҳосил ўзимиз белгилаган тартиб асосида қайта ишланади. Хом ашёни сифатли сақлаш, қайта ишлаш ва тола чиқиши устидан қатъий назорат ўрнатилади. Пировард маҳсулотни тўқимачилар билан ўзимиз келишиб сотамиз.

Энди айрим мулоҳазаларни айтмоқчиман. Тола билан ҳисоб-китоб юритиш ҳар қандай шароитда ҳам колхоз ёки совхоз учун қулай, фойдали эканлигини бизнинг тажрибамиз яққол кўрсатди. Агар хўжаликлар ўзларининг пахта қабул қилиш ва тозалаш корхоналарига эга бўлсалар, транспорт харажатлари кескин камаярди, сифатли уруғлик чигит тайёрлаш муаммоси ҳал этиларди. Бундан ташқари улар кераклича шелухани ўзларида олиб қолишлари мумкин. Бинобарин, жамоат ва шахсий хўжаликлар чорва молларини тўйимли озуқа билан таъминлаш, тармоқни янада ривожлантириш имкони туғилади. Муҳими— пахта етиштириш, саранжомлаш, асраш, қайта ишлаш ва жўнатишдан иборат яхлит жараённи ягона қўл бошқаради. Пахтакор ўз меҳнатининг пировард натижасидан манфаатдор бўлади, тўла мустақилликка эришади.

ЕРНИ ЭЪЗОЗЛАНГ

Деҳқон уйида сира тинч ўтиролмайди. Қачон қараманг, қимир-қимир. Томорқанинг ҳовли-жой, мол-ҳолдан ортган озгина қисмига экин экади, кўчат ўтказади. Сабзавот, мевачева етиштиради, бола-чақаси еб-ичганидан ортганини ё бозорга олиб чиқади, ё қуритиб қишга асрайди. Дастурхонини сут, гўшт, ёғ, қаймоқ, қатиқ безайди. Оилага бунинг нафи катта, чунки егулик нарса олгани ортиқча маблағ сарфлашга ҳожат қолмайди.

Эллигинчи йилларнинг охирларигача жумҳуриятимизда деҳқон хўжаликларига 25 сотихдан томорқа бериларди. Аммо кейинроқ қишлоқ аҳлига шахсий томорқа ва фермaнинг кераги йўқ, чунки давлат унинг дастурхони учун зарур нарсаларни ўз омборидан етказиб бера олади, деган ғоя илгари сурилди. Сўнгра томорқа тенг ярмига қисқартирилди. Бунга далада ишлаган кишининг ҳовлисидаги юмушларни бажаришга вақти бўлмайди, деган баҳона рўкач қилинди.

Хуллас, деҳқон томорқаси, боғ ва фермаси беҳад жабр кўрди. У бир парча ерда ҳам сабзавот, ҳам ем-хашак етиштиришга, ҳам мевали дарахт ўстиришга мажбур бўлди. Натижада томорқадан чиққан маҳсулот бозорга олиб бориш у ёқда турсин, ҳатто оила эҳтиёжларини қопламай қўйди. Кейинги пайтларда озиқ-овқат танқислиги, мева-чеванинг нархи кўтарилганлиги шундан.

Хайриятки, жумҳуриятимиз раҳбарияти сўнгги 1—1,5 йил ичида бу борада ибратли ишларни амалга оширди. Кетма-кет муҳим қарорлар чиқарилди, улар фақат қабул қилинибгина қолмай, балки бажарилиши устидан изчил назорат ўрнатилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида» 1989 йил август ойида қабул қилган қарори ана шундай дастуриламаллардан бири бўлди.

Бизнинг совхозда бу ишлар анча илгари бошланганди. Партия ва ҳукуматимизнинг ҳар бир оилани 2000 йилгача алоҳида квартира ёки шинам уй билан таъминлаш тўғрисида қарори чиқишидан бурун аҳолининг томорқа ва уй-жойга бўлган талабини қондиришга киришгандик. Бу «Ўзбошимчалигимиз» юқори ташкилотларга — район партия комитетига, район ижроия комитетига маълум тушмади. Улар район маъмурий органлари билан биргаликда хўжалигимиз фаолиятини тинимсиз «текшириб» турдилар. Шунга қарамасдан маъмурият ишчиларга «томорқа бериб келди.

Рақамларга мурожаат қилайлик: 1986 йилда 56, 1987 йилда 95, 1988 йилда 206, бултур 115, жорий йилнинг ўтган даврида 320 киши ер майдони олди. Совхоз ҳудудидаги таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ишловчиларга — 24 нафар ўқитувчига, 15 нафар тиббиёт ходимига, 12 нафар боғча тарбиячисига ҳам ер ажратилди. Бундан ташқари совхознинг 70 гектар майдони Пискент шаҳри аҳолисига тақсимланди. Махсус комиссия уйма-уй юриб, фарзандлари армия сафида хизмат қилаётган ёки олий ўқув юртларида ўқиётган томорқага муҳтож оилаларни аниқлаб, уларга ҳам ер бердик.

Бу билан бир йўла иккита муаммо ҳал этилаётгани барчага аён. Аввало томорқада сабзавот, мева-чева етиштирилади, қолаверса, бир қисмида турар-жой, қўшимча бинолар тикланади. Биз ер майдонларидан фойдаланишни, қурилишнинг боришини мунтазам кузатиб турибмиз. Якка тартибда иморат қурмоқчи бўлган, лекин пулга муҳтож оилаларга совхоз маъмурияти 5 мингдан 20 минг сўмгача қарз бераяпти. Шу йилнинг биринчи ярмида уй-жой қурувчилар 500 минг сўм олдилар.

Аҳолини қурилиш материаллари билан таъминлаш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Ғишт заводимиз бор. Кейинги учтўрт йил ичида унинг қуввати 1,5 баравар оширилди. Айни пайтда йилига 4,5 миллион дона пишган ва хом ғишт тайёрланмоқда. Асфальт-бетон, дурадгорлик цехлари ҳам ишлаб турибди. Шунингдек, хўжалик ҳисобидан турар-жой қурилишлари ҳам жадал олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон ССР Президенти «Жумҳурият аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида» фармон чиқарди. Совхозимизда ушбу фармон асосида аниқ тадбирлар белгиланди. Шуни айтиш ўринлики, бу соҳадаги ишларни ҳам авваллоқ бошлагандик. Хўжалик ўзининг ва Пискент шаҳри аҳолисининг шахсий чорвасини бир неча йилдан бери озуқа билан таъминлаб келмоқда. Масалан, уларга 1986 йилда 1.650 тонна, 1987 йилда 1.765, 1988 йилда 2.327, бултур 2.160 тонна ем-хашак сотилди. Шу йилнинг дастлабки тўққиз ойида 280 тонна қуруқ, 1.420 тонна кўк беда берилди. 360 гектар майдонда дон учун ўстирилган маккажўхорининг пояси, 100 гектардаги уруғлик йўнғичқанинг пичани ҳам одамларга сотилмоқда. Умуман, йил охиригача аҳолига 3.000 тонна ем-хашак тарқатилади.

Совхозимизнинг иқтисодий жиҳатдан бақувватлиги ижтимоий-маданий-маиший соҳаларни ривожлантиришга, аҳолининг моддий манфаатдорлиги ва турмуш фаровонлиги юксалишига, ишчиларнинг иш ва дам олиш шароитларини яхшилашга имкон бераяпти. Ҳар йили қурилиш ва ободончилик ишларига кўплаб маблағ ажратилмоқда. Кейинги йилларда 10 та замонавий дала шийпони тикланди. Яна 16 та шундай оромгоҳ қурилади. 120 хонадонга табиий газ олиб кирилди. 7,5 километрга водопровод ўтказилиб, 11 километр йўл асфальтланди. Келгуси режаларимиз янада катта: 2.600 хонадонни газлаштириш, 52 километр узунликда водопровод қувурлари, 40 километрга асфальт ётқизиш мўлжалланган.

Ҳар бир бўлимда ҳаммом, дўкон, чойхона, ошхона, клуб, қироатхонадан иборат маданий марказлар барпо этяпмиз. Ҳозиргача улар 3 ва 6-бўлимларда қурилиб, ишга туширилди. Айни пайтда 4-бўлимда тикланмоқда. Шунингдек, жами 580 ўринли 6 та болалар боғчаси, 4.280 ўқувчига мўлжалланган бешта мактаб, бешта тиббиёт пункти бинолари қад ростлайди. Хуллас, қишлоқларимиз чиройини ошириш учун бутун куч-ғайрат сафарбар этилаверади.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири Э. ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.

Совхозда жамоат ва шахсий хўжаликлар чорвасини мўл, сифатли ем-хашак билан таъминлаш учун астойдил меҳнат қилинмоқда. Чапдаги суратда бригада бошлиғи Абдулла Матбоев (олдинда, ўртада) бир гуруҳ озуқакорлар билан суҳбатлашаётганлигини кўриб турибсиз. Ўнгда эса маккажўхорини ўриб олиш пайти акс эттирилган.

Б. АЛИМОВ олган суратлар.

Ҳар ҳафта шанба сонида

МУЙИНЧОК

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Аббос МУҲИДДИН таҳрири остида

ЭЛ ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛ

Деҳқонбува бундоқ ўйлаб қараса, лоқайдликка шифокорнинг оддий малҳами, ҳапдорси кор қилмаётир. Чунки иллат танада эмас, виждонда! Пўканак босган виждоннинг «давоси» ўзи билан. Бундайларга эл-юрт ташвиши бегона. Дунёни сув босса, тўпиқларига чиқмайди. Арзшикоятлар, ҳақли эътирозлар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпаяётганлиги бир ҳисобда шундан эмасмикин?

Деҳқонбува оғир ўйлар гирдобида хирмон бўлиб уюлиб ётган мактубларга назар ташлади. Кўз ёши, юрак қўри билан битилган мактублар... Уларнинг ҳар бири—бир тақдир. Муаллифлари интизор бўлиб жавоб кутишаётгани аниқ. Шикоят эрмак учун ёзилмайди. Бунинг муайян сабаблари бор. Жойларда қайта қуриш суст амалга оширилаяпти. Турмуш даражаси паст. Адолатсизлик, маъмуриятчилик ҳукм сурган жойда қўл қаламга югуради. Гарчи хатлар мавзуси турлича бўлса-да, мазмунан ҳамоҳанг: «Лоқайдлар дастидан дод!»

Деҳқонбува шикоятлар орасидан иккитасини ажратиб олди. Кўзойнагини тақиб, навбат билан ўқий бошлади.

ҒАРИБ ҚИШЛОҚ

Қуруқ қошиқ оғиз йиртади. Ширин ваъдадан аччиқ ҳақиқат яхши. Хўжалигимиз раҳбарларига шу ҳақда гап очсак, эски гапни чайнашади:

— Нощукурлик қилманглар! Одамзод шу экан-да: борига қаноат қилмай осмондаги юлдузни кўзлайди. Ёнига ойни ҳам қўшиб берайликми? Астағфурулло... Бошпаналаринг бор. Ер дединглар — бердик. Яна нима керак сизларга?!

Шунақа, бизнинг раҳбарлар ғоят жиддий одамлар. Улар эртаю кеч хўжалик ташвишлари билан бандлар. Шунчалик бандки, одамларнинг арз-додини тинглашга, маданий-маиший тадбирлар ҳақида ўйлашга вақтлари ҳам йўқ. Қишлоғимиз ўн бир йил муқаддам яйдоқ дашт ўрнида режасиз барпо этилган. Ўшандан бери аросатда. Бор-йўқлиги сезилмайди. Шароит оғир, ичимлик сувни олисдан ташиб келтирамиз. Район марказига бориш учун 20 чақирим йўл босиш керак. Тиббий хизмат даргоҳи, боғча, мактаб ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Биз «осмондаги юлдуз»ни даъво қилаётганимиз йўқ. Замонавий қулайликлардан баҳраманд бўлишни, эл қатори яшашни истаймиз, холос. Бу ҳақда юқори ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдик. Уларнинг аралашуви билан аввалига иш жойидан силжигандек бўлди. Лекин охирига етказилмади. Ҳолва деган билан оғиз чучимас экан. Боғча, тиббий хизмат, мактаб учун пахсадан тикланган олти хоналик иморат бир йилдан бери чала. Қорёғмғирда ювилавериб девори ноғаи бораяпти. Ҳадемай, томи босиб тушса ажабмас.

Хўжалигимизда лақ-лақ депутатлар бор. Аммо уларнинг амалий ёрдамини сезмаяпмиз. 17-бригада бошлиғи Т. Холиёров бизнинг округдан вилоят Советига депутат. У ўз бурчини, сайловчиларига ҳисоб бериб туриши лозимлигини унутганга ўхшайди. Акс ҳолда ҳузуримизга келиб, муаммоларимизни ҳал этишга кўмаклашган бўлмасмиди?

Яна бир масала. Шифохона билан қишлоқ ораси 12 чақирим. Тиббий хизматдан ўз вақтида баҳраманд бўлолмаяпмиз. Биз томонларга келишга «тез ёрдам» ҳайдовчиларининг юраги безиллаб қолган. Сабаби — йўл хароб, ўйдим-чуқур. Асфальтлаштириш масаласи бир неча йилдан бери пайсалга солиб келинаяпти. Бунинг жабрини биз тортяапмиз. Ваъдабозлик, сансалорликнинг чеки борми?!

Шўрчи район «Октябрь 30 йиллиги» жамоа хўжалигидаги Ҳотамтой қишлоғи аҳлининг арзини оқ қўқа кўчирувчилар: **И. Алимардонов, Н. Мелиқулов, М. Йўлдошев, М. Менгбоев. (Жами 25 имзо).**

БЕКАТ МУАММОСИ

Ҳурматли Деҳқонбува! Биламан, камчилик ва нуқсонларга тобингиз йўқ. Ҳозир ҳам қаламни чархлаб, дилингизда нордон сўзларни маржондек тизиб ўтирибсиз. Тўғри қиласиз. Ҳаётимизни ғуборлардан, курмаклардан тозалаш учун муросасиз бўлиш керак. Чаккининг давоси дакки-да!

Азага борган ўз дардини айтиб йиғлайди. Қайси куни йўл бўйида автобус кутиб турсам, бир зиёли олдимга келди. (Ғарқ терга ботган, Самарқанд, Навоий, Пахтакор шаҳарларига ҳар куни ўнлаб автобуслар қатнайди. Уларнинг хизматидан нолимаймиз. Бир жиҳати чатоқ: қор-ёмғир ёғса паналайдиган жой йўқ. Одамлар соатлаб тик оёқда автобус кутишади. Эҳтимол, хўжалик раҳбарлари ошинг ҳалол бўлса кўчада ич, деган нақлга амал қилишаётгандир? Бу ёғи бизга қоронғи. Район, вилоят рўзномаларида чоп этилган танқидий мақолалардан кейин ҳам бирон ўзгариш бўлмаганлиги ажабланарли. Шу сабабли «Қишлоқ ҳақиқати»га мурожаат қилаяпмиз. Ишончимиз комилки, гап эгасини топади. Ҳозирча икки ташкилот «копток»ни бир-бирларига ошириш билан овора.

—Ички йўллар совхоз тасарруфида. Бекатни ҳам ўзлари қуришсин, — дейишади район йўл қурилиши участкаси мутасаддилари.

Иккинчи томоннинг ҳам жавоби тайёр:

— Бу бизнинг ишимиз эмас!

Қисқаси бор отанга, бор онанга. Тўп «ўйини»га ким нуқта қўяди — ҳозирча номаълум.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Нурота районидаги 32-мактаб ўқитувчиси.

ДЕҲҚОНБУВАДАН: Мана, азизлар, икки арзнома мазмунидан озми-кўпми воқиф бўлдингиз. Қиссадан ҳисса чиқаришни ўзингизга ҳавола этиб қўя қолишим ҳам мумкин эди. Кўтарилган масалаларнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, икки оғиз суҳан қилишни лозим топдим. Қайта қуриш, ошкоралик шарофати билан ҳаётимиз янгиланиш сари юз тутди. Нафсиламбирини айтганда, юқоридагидек нуқсонлар, муаммолар жумҳуриятимиздаги бошқа қишлоқларда ҳам оз эмас. Нима қилиш керак! Мардум ғамини еган, унинг кўнглига йўл топган раҳбар асло ютқазмайди. Қарс икки қўлдан. Бу хусусда бошқа гап ортиқча. Очиғи, шўрчилик ҳамда нуроталик мутаддиларга қойил қолмадим. Улар ўзларича «омон-омонда, дўппи осмонда», дея хиргойи қилиб юришганмиш. Тўқис, фаровон рўзғорга қўшиқ ярашади. Ҳар бир оила — сизнинг рўзғорингиз. Шоядки, рўзғорлар бут бўлса!

ЛАТИФА

Дангасалиги билан ном чиқарган бир киши даврада нолиб қолди:

— Тавба, айни йиғим-терим бошланганда эски дардим қўзийди-я. Кеча денг, ҳовлимиз тепасидан бир самолёт вағиллаб ўтди-ю шабадасига белим оғриб қолди. Вой, белим...

— Эҳтиёт бўлинг, иним,— деди Афанди. — Бунақада белдангина эмас, элдан ҳам ажраб қолишингиз ҳеч гап мас.

* * *

Афанди қур-қур йўталаётган ҳамроҳидан сўради:

— Тумовга чалинганга ўхшайсиз-а, биродар?

— Э, нимасини айтасиз! Бу савилдан қандай қутилсам экан?

— Йўли осон, — деди Афанди. — Бозор ёки ошхоналардан сомса олиб еб туринг, вассалом. Пиёз — тумовнинг кушандаси.

* * *

Бозорда қовун сотиб ўтирган пўрим йигит бир пиёла айрон ичиб, афтини буриштирди.

— Ҳў, бола, айронинг мунча бемаза?

— Сигирига сиздан олган қовун пўчоғини едирган экан, — илжайди Афанди.

* * *

Ёш бола яширинча тамаки чекиб турганда иттифоқ отаси келиб қолди.

— Ие, ўғлим, янгилик-ку!

— деди ҳайрон бўлиб.

Бу ҳолни кузатиб турган Афанди изоҳ берди:

— Биродар, бу «Янгилик» эмас, «Прима».

Обуна қандай бораяпти?

«СОЮЗ» ҲАФТАНОМАСИ

Бу нашр «Известия» газетасининг янги иловаси бўлиб, амалдаги йилнинг бошидан буён чиқиб турибди. Унинг 24 саҳифасида ҳозир ҳаммамизни тўқиналантираётган, энг ташвишли муаммолар — миллатлараро муносабатлар ёритилмоқда. Ҳафтанома ўзининг биринчи сонида берган ваъдасига содиқ: аниқлик, хабардор қилиш, холислик унинг шиоридир.

Ҳозирги пайтда ҳафтанома «1991 йилги Бутуниттифоқ газета ва журналлари» расмий каталогига илк бор киритилди.

Кўпинча: бугунги кунда «союз», яъни «иттифоқ» сўзи таомилда эмас, дейишади. «Нима учун? — сўраймиз биз. — Аксинча, бу ҳаётимиз калити вазифасини ўтайдиган сўз, у умумий қизиқиш ва баҳсмунозараларга сабаб бўлмоқда-ку». Шу нарса аниқ: иттифоқимиз келажаги — бизнинг келажагимиз...

Янги ҳафтаномага «Союз» деган ном қўйишни СССР Олий Совети аъзолари таклиф қилишганди. Улардан бири (ҳозир айнан кимлигини айтиш қийин) яғона давлатда турли-туман халқлар, миллатларнинг ҳамкорлиги сингари ғоят мураккаб ва жуда муҳим муаммони мунтазам ёритиб борадиган газета ташкил этиш ҳақида фикр билдирган эди.

Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Молдавия, Ўзбекистон, Тува... Қайноқ, қалтис жойлар. Бизга нима бўлди ўзи? Нега шундай вазиятга тушиб қолдик? Одамлар қачондан буён бир-бирига дўст ёки душманлигини миллатига қараб аниқлайдиган бўлиб қолишди? Етмиш йил мобайнида тинч ва аҳил-иноқ яшаб келдик, нонимизни, еримизни, бошпанамизни баҳам кўрдик. Бирданига ҳамма нарса ағдар-тўнтар, тескари бўлиб, ўзгариб кетди. Бунга ким айбдор? Ёвузлик, ётқараш қаердан келиб чиқди?

«Союз» ҳафтаномаси ана шундай мураккаб саволларга жавоб топишга интилмоқда. Унда ҳозирги пайтда мамлакатимизда яшаш жуда оғир бўлиб қолгани ҳақида очиқ-ойдин ёзилмоқда. Дарҳақиқат, аҳвол шу қадар мушкулки, ҳатто «танглик» деган қаттиқ сўз ҳам эриш эмас, балки одатий туюлаяпти. Пештахталар бўшаб қолди, биз жуда кўп шаҳарларда паспортимизни кўрсатибгина бирор нарса олиш имконига эгамиз. Шунга қарамай бўш пештахталар — у қадар қўрқинчли эмас, вақти келиб серобгарчилик бўлишига халқ ишонади. Дахшатлиси бошқа нарса — ана шундай парокандаликда, миллатлар ўртасидан чиқаётган ўт алангасида ўзимизнинг ҳам, фарзандларимизнинг ҳам қалбларимиз қашшоқлашиб, ҳувиллаб қолаётгани ёмон...

«Союз» қаламкашлари ҳаётни бўямай-бежамай ёритишга интилмоқдалар. Агар ҳафтаноманинг ҳозирги кунгача дунё юзини кўрган сонлари таҳламасини варақлаб чиқсангиз, бутун мамлакатимиз — Болтиқбўйидан тортиб Узоқ Шарққача — жуда қийин ҳаёт кечираётганини яққол ҳис этасиз. Масалан, олис Тувада нима сабабдан миллатчилик алангаси пайдо бўлганини билиб оласиз. Борис Ельцин Бошқирдистон ва Татаристонга қилган сафари якунлари ҳақида қандай фикрда? Сергей Станкевич москваликлар ҳаётини яхшилаш учун нималар қилмоқчи? Демократик платформа раҳнамоси Виталий Шостаковский қандай ташвишда? Кавказорти мусулмонларининг бошлиғи шайхулислом Оллоҳшукур Пошшазода қайта қуриш муваффақиятига ишонадими? Николай Рижков истеъфога чиқадими ёки йўқми?... Шу сингари кўпчиликни тўқиналантираётган муаммолар, афсуски, оз эмас.

«Мамлакат худди муз парчаларидек синиб, бўлиниб кетаяпти-ку, сиз бўлсангиз, «Союз» деган газета чиқаришни хаёл қилиб қолибсиз...». Бу сатрлар ҳафтанома таҳириятига муштарийлардан келган хатдан олинди. Унинг муаллифи Таллиннда яшайди. Ҳафтанома мазмунига муносиб баҳо бергани ҳолда келажакка ишончсизлик билан қараётгани сезилиб турибди. Газета бундай ном билан узоқ яшаб қололмайди, деб ҳисоблайди у.

«Союз» журналистлари эса бошқача ниятдадирлар. Ҳа, ҳаёт, қайта қуриш, демократия барча эски нарсаларни супуриб ташлаяпти, шундай бўлиши ҳам керак. Бироқ янгилик ҳам биргаликда — одамларнинг, халқларнинг аҳил-иноқлигида барпо этилади. Шунинг учун биз «Союз»нинг умри узоқ деб ҳисоблаймиз. Ҳаммамиз учун бизни бирлаштириб турган ришталар ҳақида ёзадиган, кўп ва оз сонли халқларга — барчага, уларнинг маданиятлари ва анъаналарига ҳурмат билан қарайдиган ҳафталик газета жуда керак, деб биламиз. Ўз ватандошларига айтадиган гапи бор кишиларнинг ҳаммасига ҳафтанома саҳифасидан ўрин берамиз. Зўравонликни, бир миллатнинг иккинчиси устидан устунлигини тарғиб этишга интилаётганларга эса «Йўқ!» — дея жавоб қиламиз... Мамлакатимиз ва бутун дунё устида қандай бўрон кўтарилмасин, давлат тузумимизни турли-туман можаролар қанчалик ларзага келтирмасин, жамиятимизда қанақа ўзгаришлар содир бўлмасин — пировард натижада одамлар барибир инсон инсонсиз айри яшай олмаслигини, бутун башарият кўпдан-кўп катта ва кичик иттифоқлардан — шаҳар шаҳар билан, мамлакат мамлакат билан, қитъа қитъа билан ҳамкорлигидан иборатлигини албатта англаб етадилар.

Фақат иттифоқда яшасаккина биз ўз ўчоғимизни, ўз масканимизни сақлаб қола оламиз. Фақат иттифоқдагина биз одамлар учун муносиб ҳаёт қуришимиз мумкин.

«Союз»имиз эндигина тетапоя қилаяпти. Биз муштарий дўстларимиз мададига муҳтожмиз. Янги ҳафталикка обуна бўлишдан юз ўгирманг — тиражимиз шунга боғлиқ. Биз эса ўз навбатида сизни ранжитиб қўймасликка ваъда берамиз. Бунинг устига «Союз» чакана савдога чекланган миқдорда чиқарилади, баҳоси ҳам қиммат — битта сони 60 тийин. Обуначиларга эса ён босилади — битта сон 40 тийинга тушади. Агар 20 сўм 80 тийинни қизғанмай тўлаб обуна бўлсангиз, йил мобайнида 52 та сонни мунтазам олиб ўқийсиз. Борди-ю иккиланасангиз, лоақал ярим йилга ёзилинг — 10 сўм 40 тийин тўласангиз, бас. Шундан кейин ҳафтанома билан доимо дўстлашиб қолсангиз, ажаб эмас. Нашримиз индекси — 50129.

Ш. ЗАЙНИДДИНОВ,
«Известия» газетасининг иловаси — «Союз» ҳафтаномасининг Ўзбекистон ССРдаги ўз мухбири.

«Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ», дейишганича бор. 1962 йилда ноҳақ ишдан четлатилган ва партиядан ўчирилган машҳур фельетончи Ориф Юнус ошкоралик, қайта қуриш шарофати билан СССР Журналистлар уюшмаси аъзолигига тикланди. Кўп йил давом этган азоб-уқубатлар, хўрланишлар ва камситишлардан кейин 79 ёшида рўшнолик кўрди.

Дилкаш рўзномамиз — «Қишлоқ ҳақиқати» бундан олдинги сонларида Ориф Юнусининг «Ҳоли хароб, бағри кабоб», «Икки Шокиржон» сарлавҳали фельетонларини ҳамда адибнинг ўғли Ҳамдам Ориповнинг таҳририятга ёзган миннатдорчилик мактубини чоп этиб, хайрли иш қилган эди.

Рўзномамизнинг мазкур сонида босилаётган «Торт-торт» сарлавҳали фельетон Ориф аканинг бошига тушган туҳматлар оқибатида матбуотда эълон қилинмай қолган эди. Устоз Ориф Юнуса бўлган меҳрим ва ҳурматим рамзи сифатида ҳозирги кунларимизга ҳамоҳанг ушбу фельетонни нашрга тайёрладим.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Узбекистони» рўзномаси фельетончиси.

ТОРТ-ТОРТ

ФЕЛЬЕТОН

Бўлар иш бўлган, Акбар Отажонов, Рашид Салимов ва уларнинг қоронғида топишган шериклари ёмон ном орттириб, жамоатчилик олдида пардалари йиртилган. Бутун туриш-турмуши, касб-кори ўғирлик, таловчиликдан иборат бўлган бу шахсларнинг кўкракка уришларига халқ энди ҳам ишонармикин? Улар бундан буён бирон жойда ўзларининг «софдил»ликлари тўғрисида ваъзхонлик қилиб бўлишипти!

7 февраль куни бўлган машмашани эслайсизми? Бай, бай, бай... Йиллик ҳисобот йиғилишида Ленин номли колхоз собиқ раиси Акбар Отажонов, партия ташкилоти секретари Рашид Салимов ва ҳамтовоқларининг озмунча пўстаги қоқилдими? Ишни қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи деганларидек, буларнинг исмодига бошқалар ер ёрилмади-ю ерга киришса. «Садқаи одам кетларинг-е, кўрнамаклар!» деб четга тупуришди базъзилари.

Йиғилишда қандай ҳангомалар бўлди, денг? Сўзга чиққан ҳар бир нотиқ ўт бўлиб ёнди: отажоновлар қилган ножўя ишларнинг дафтарини варақлади, улар содир этган ўғирликларнинг узундан-узун рўйхатини «илова» қилди. Ё тавба! Товламачи Умарбек Қоплонбеков нима каромат кўрсатибдики, Тошкент шаҳрида уй-жойи бўла туриб, колхоздан ўзига, хотинига, синглисига биттадан участка олса? Шаҳардаги данғиллама участкасида хотинию бир ўзи яшаётган савдо ходими Ғуломхон Хўжаевчи? Нега энди унга колхоздан икки участка совға қилинди? Бу кишининг қайси ўғил-қизи бошпанасиз қолган экан? Икки маҳаллада тўртта ҳовлиси, аэропорт атрофида яна бир уй-жойи бўлган, бунинг устига секция олган Али Сиддиковга хўжаликдан нега участка берилди? Қайси сабаб ва қайси асосга биноан?

Колхозга ҳеч қандай алоқаси йўқ, авомни кўрганда салом бермайдиган 300 чамасидаги киши қўша-қўша участка ва истаганча томорқа олган. Бу масалада на район, на область ташкилотларининг рухсати бор. Сиз қандай ўйлайсиз: пулини қопчиғига солиб, хилватда ер участкаси сўраган сонсаноқсиз кишиларга Отажонов бекордан-бекорга «Ола қол» деб юборавергани микин? Унинг мушуги унақа-бунақа нарсага офтобга чиқмаслигини ҳамма билади-ку!?

Йиғилишда Отажоновнинг бемазасини бешта қилишди. Бултурги ҳосилни торт-торт қилишда унинг ўзи «ҳисса» қўшганлиги очилиб қолди: ки, бу дард устига чипқон бўлди. Иштаҳанинг ҳақалак отганини қаранг: 1, 2, 5 ва 6-бригадаларда 70 тонна картошка, 20 тонна карам, 3 тонна пиёз бухгалтерия ҳисобига ўтказилмай даланинг ўзида гумдон қилинибди. Отажоновнинг хеш-ақраболаридан Убайдулла Одилов бир ярим тонна, Абил Фозилов 2, Маннон Қодиров 2, Қорабой Ҳусанов 3, Шокир Жўраев деган яна бири 3,6 тонна картошка ўмариб кетибди ва ҳоказо. Бу ҳали торт-тортнинг бир учи. «Еш ленинчи» участкасида нечанеча тонна картошканинг «ким ошди» савдоси билан «Бор, барака!» қилинганлиги аввало Отажоновга, қолаверса ўша жойдаги ҳосилот Совети раиси Солиҳ Каримовга маълум, холос.

19... йил, 11 октябрь. Қорамол фермасининг табелчиси Набижон Муслимов махсус юк таксисига уч бош сигирни бузоқлари билан бирга юклайди. Говмишларнинг бири 380 сўмга, иккинчиси 370, учинчиси 310 сўмга сотилади. Аввало, сут бериб турган сигирларнинг бозорга олиб чиқилиши қизиқ. Бунинг устига 1060 сўм пулнинг колхоз кассасига тушмасдан ғойиб бўлганлиги ҳам ҳайрон қоларлик. Шунга ўхшаш қинғирлик хусусида яна бир гап. Ўша йили декабрь ойида, Отажонов раисликдан олиб ташланганда кейин, ҳалиги Набижон Муслимов кунига 7—8 литрдан сут бериб турган бир сигирни молбоқар Одил Ориповга тутқазиб, раисникига ташлаб келишни, биров сўраса «Рашид Салимовнинг қайнатаси Ҳаким Қосимовники», деб айтишни уқтиради. Шу-шу бўлди-ю ферма яхши моллардан ажралиб қоларди. Отажонов колхознинг бир қизил жийрон отини сўйдириб, қази қилдирганлиги ҳақида маълумот бор. Колхоз учун олинган моторни ўзининг енгил машинасига қўйдириб олган.

Кўриб турибсизки, Акбар Отажонов раислигида ҳам, амалдан тушгандан кейин ҳам колхозда чангал солмаган нарсаси йўқ. Гўё хўжалик мол-мулки ўзиники: олса олаверади, сотса сотаверади. Бу ёғи бемалолчилик... Харидорни 10—15 тийинга алдаган сотувчи жазога тортилади. Жамоат мулкини кўкка совурган Отажонов эса партиявий жазо ва ишдан бўшатилиш билан қутилиб қолди. Район партия комитети шундай тўхтамга келди. Тавба!..

Биз колхозчиларнинг ўша — 7 февраль йиғилиши ҳақида яна бир оз тўхталамиз. Шу йиғилишда колхоз партия ташкилотининг секретари Рашид Салимовни ҳам нари олиб бориб, бери олиб келдилар. У ҳақида айтилган гапларни эшитиб, ҳангу манг бўлиб қолдик. «Ана холос, пишди гилос» деб ёқамизни ушладик. Хайрли ишларга даъват этилган бу шахс амалда ўғирлик бобинда Отажоновдан қолишмайди. Колхоз партия ташкилоти секретарига ярашадими шу? Бултур 12 апрель куни Салимов қурилиш участкаларига олиб борилаётган симёғочлардан 15 тасини текиндан-текинга ўйига тушириб олади. Соқи Эшимов ва Фарид Ғуломовлар етиштирган картошкадан 3200 килограмми машинада унинг ўйига элтиб тўкилган. Воҳид Исмоилов бошлиқ бригададан «ғойиб» бўлган 17 бочка тузланган бодринг, 12 бочка помидор ҳам секретарнинг жиғилдонидан «лиқ» этиб ўтиб кетди. Энди йўл-йўлакай аравакаш, шофёрлар ташлаб ўтган қувур, шелуха, сомон, селитра, ғўнг, тарвузларни айтмай қўя қолайлик. Чунки саноғига етиш қийин-да!

Йиғилишда қатнашган райком секретари Валижонов қараса бўлмайдиган, Отажонов билан Салимовнинг астар-авраси ағдариб ташланадиган. Шундан сўнг у фош қилаётган кишиларга ўқрайиб қараб: «Қисқароқ бўлсин», «Кўп чўзаверманг», деб луқма ташлашга ўтди.

Отажоновнинг ўғрилигику, эскидан маълум. Аммо зимдан ўғрилик қилиб келаётган Салимовнинг айби очилиб, атроф-атрофдан чўқилашга дуч келганлиги райком котибининг кўзини каттароқ очди. Йиғилишда у: «Яна ўн кундан кейин тўпланамиз, шунда бу ишларнинг натижасини сизга маълум қиламиз» деди-ю жўнаб кетди, шу кеттанча домдараксиз. Колхозчилар ўйлаб кўришса, Валижонов уларни боладек алдабди, лақиллатибди. Бундан мақсад нима эканлигига ҳаммаларнинг ақли ҳайрон.

Тегирмонга тушса бутун чиқадиган Отажонов, Салимовларнинг кейинги тақдирлари нима бўлди, дерсиз. Улар пайт пойлаб, «душманлари»дан ўч олиш йўлларини қидиришга тушдилар, турли-туман бўҳтон, фисқи-фужурни авж олдирдилар. Район партия комитети, район ижроия комитети ва тергов органлари яратиб берган кенг «имконият» ҳамтовоқларга қанот бағишлади. Эшитишимизга қараганда, иккала жиноятчи ўзларича: «Омон-омонда, дўппи осмонда», деб хиргойи қилиб юришганмиш. Ажабланадиган жойи йўқ: ошналари кўмагида сувдан қуруқ чиқишганлигидан кейин уларнинг дўпписи осмонда бўлмай, ерда бўлсинми?!

Ориф ЮНУС.

— Ёпирай, кунига шунча хат-газет тарқатасанми, Соливой!!
— Оёғим кўчада қолгани йўқ! Бу бир ҳафтанинг юки...

Р. АҲМЕДОВ чизган расм.

Ҳажв дафтаридан

ЛАГАНБАРДОРГА МАСЛАҲАТ

Овга чиқса бошлиғинг сен тез чопар тозн бўл,
Ё нўноқ чолғувчининг созланмаган созн бўл.

Лаб очса раҳбар, қўш қўлинг кўксингга қўй мўлтираб,
Бук қаддингни камондек, ҳам хизматинга рози бўл.

Бошқалар ҳар не дейишса қилма парво, бил ўзинг,
Ҳийла лангарчўпин тутиб, ишхонанг дорбози бўл.

Пашшадан филлар яса, ҳам шиппитиб қўй тезгина,
Ёзар бўлса, сен у зотнинг беминнат қоғози бўл.

Қўлмагай гўрингда тўнгиз, урмагай ҳеч бир бало,
Ур нишонга фитналарни, сўзда жанг сарбози бўл.

Бошқалар чирмандасига ўйнашингни бас қилиб,
Дер Ҳусан, ошоралик шевасининг ҳамрози бўл.

Ҳусан ҚОДИРОВ,
ишчи.

СПОРТ ахбороти

ХОККЕЙ

Олий лига коллективлари навбатдаги тур учрашувларини ўтказдилар. Улардан иккитаси марказий матчлардан бўлди, дейиш керак. Булар юксак ўринлар учун асосий даъвогарлар — Москванинг тўрт командасидир.

Бир кун аввал «Крилья Советов» билан «Спартак» баҳслашган бўлса, эртасига МАСК ва «Динамо» коллективлари муз майдонига тушдилар. Иккала учрашув ҳам қизғин кураш остида ўтиб, кучлар тенг келди. Биринчи матчда 4:4, иккинчисида эса 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Қолган икки учрашув натижаси билан танишинг: «Торпедо» (Нижний Новгород) — «Сокол» (Киев) — 0:5, «Химик» (Воскресенск) — «Торпедо» (Ярославль) — 6:2.

Саккиз турдан сўнг МАСК якка карвонбоши бўлиб олди. Армиячилар 14 очко тўплаб, биринчи ўринда бораяптилар. Жамғармасидаги очколарни ўн биттага етказган Москва динамочилари иккинчи ўринга чиқишди. Кейинги икки ўринни эгаллаб турган «Крилья Советов» ва «Химик» (Воскресенск) коллективлари ҳисобида ҳам ўн биттадан очко бор.

САМБО

Тошкентда самбо бўйича СССР кубоги учун ўйинлар бошланди. Унда ўн жумҳурият, Москва ва Ленинграддан келган 120 полвон қатнашмоқда.

Шуниси қувончлики, жумҳуриятимиз вакилларидан Г. Аъзамов, Ш. Ғафуров, Т. Саидвалихўжаев, О. Бучинцев, Э. Шарипов (Тошкент), Р. Машарипов (Урганч) мағлубиятга учрамай курашни давом эттираяптилар.

Муҳаррир
А. Г. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Д. 1268. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12